O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
5 DEKABR
SESHANBA
№ 148-149 (27.008)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайити» муносабати билан 1991 йил 11 апрелдаги 193-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2002 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 6 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 6 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, қ а р о р қ и л а м а н:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

в) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

г) 60 ёшдан ошган эркаклар;

д) биринчи марта судланган чет эл фуқаролари;

е) эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар.

2. Биринчи марта уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Иқтисодиёт ва хўжалик фаолияти соҳасида жиноятлар содир этиб, биринчи марта судланган, етказилган зарарни қоплаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг I-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга ҳамда муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан;

б) мазкур Фармоннинг 1-моддаси — қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодексининг 97-моддаси) жиноятини содир этган шахсларга;

в) мазкур Фармоннинг 1-3, 5-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга.

8. Мазкур Фармоннинг 4 ва 6-моддалари Жиноят кодексининг 150-163, 242, 244, 244-1, 244-2-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан фақат жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишидан амалда пушаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳоллардагина қўлланилиши белгилансин.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 декабрь

Бозор иқтисодиёти ислоҳотлари амал қилган ҳар қандай мамлакат ривожида унинг экспорт салоҳияти алоҳида ўрин тутиши эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, республикамизнинг Қашқадарё вилояти саноат корхоналари меҳнат жамоаларининг саъй-ҳаракатлари ибратга лойиқ. Айниқса, бу ердаги Шаҳрисабз консерва очиқ акциядорлик жамиятида сўнгги йилларда сезиларли ютуқларга эришилмоқда.

Корхонада ҳозир 85 турда мевали, сабзавотли ва томатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг бугунгача бўлган даврида 1 миллиард 431 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот эл-юрт дастурхонига тортиқ қилинди. Россия, Украина, Белоруссия сингари давлатларга 611 минг АҚШ долларига тенг микдорда сифати жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош консерваланган таомлар экспортга жўнатилди.

Мана шу кўрсаткичларнинг ўзиёқ акциядорлик жамиятининг экспорт салоҳияти дадиллигидан дарак бериб турибди.

Суратларда: маҳсулотлар тури ва сифатини назорат қилувчи малакали мутахассислар — Шаҳло Файзиева билан Шоҳида Дўсанова; меҳнат пешқадами Азамат Тўраев ишлаб чиқариш жараёнларини кузатувдан ўтказмоқда.

■ **Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва республика ҳудудига истеъмол товарлари олиб келиш тартибини соддалаштириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб ноозиқ-овқат истеъмол товарлари олиб келадиган юридик шахслардан истеъмол товарлари импортига амалдаги божхона тўловлари билан бир қаторда ундириладиган йиғим бекор қилинсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармонининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва идоралари билан бирга ўн кун муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 декабрь

ОБ-ҲАВО

ҚИШ ҚОРИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Ишончимиз комилки, қизил қор ёққанини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ. Бироқ 1 декабрдан 2 декабрга ўтар кечаси дабдурустдан ёққан оппоқ қор барчамизни ҳайратга солди, десак муболаға эмас. Чунки биз октябрь-ноябрь ойларидаги ёғин-сочинсиз, илиқ-иссиқ кунларга шу қадар ўрганиб қолган эдикки, декабрда қиш келиши хаёлимиздан ҳам кўтарилганди. Бу фаромушхотирлигимизни табиатнинг ўзи тўғрилади, яъни декабрь қиш фаслининг бошланиши эканлигини эслатди. Мана, энди қаҳратон кунлар ҳали олисда, деб юрган айрим боқибеғамларнинг пайтавасига қурт тушди. Ахир уйларни иситиш, йўлларни тозалаш ва ҳоказо юмушлар осон ишлар сирасига кирмайди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз «Қиш ғамини ёзда е», деб бежиз айтмаганлар.

Дарвоқе, об-ҳаво кескин ўзгарганда сабабини ахтаришга киришамиз. Табиатда нималар содир бўлаётганини билишга қизиқамиз-да. Бунақа маълумотларни эса фақат «Бошгидромет»дангина олиш мумкин. Шу боис мамлакатимизнинг бош синоптиги Ирина Зайцевани қидириб, ундан саволларимизга жавоб олмоқчи бўлдик. Афсуски, у ҳозир Австралияда хизмат сафарида экан. Унинг ўрнига гидромет марказ бошлиғи Фотима Қосимова бажонидил жавоб қайтарди.

— 1 декабрдан 2 декабрга ўтар кечаси мамлакатимизга ёпирилиб келган совуқ ҳаво оқими Арктикадан чиққан, — деди Фотима Ҳошимовна. — У Ўзбекистон ҳудудига Россиянинг марказий районлари ва Шимолий Кавказ орқали кириб келди. Юртимизнинг деярли ҳамма жойларида аввал ёмғир ёғиб, кейин қорга айланди, ҳаво ҳарорати кескин пастга тушди. Республика шимолида ҳарорат 16-19 даражагача пасайди. Қолган жойларда эса 0-5 даража совуқ бўлди. Бундай совуқ об-ҳаво уч кун мобайнида сақланиб туради. Жумладан, 5 декабрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Тунда 14-16, кундузи 2-4 даража совуқ бўлади. 6-7 декабрдан ҳаво ҳарорати кўтарила бошлайди. Кечалари 3-8 даража совуқ, кундузи 5-10 даражагача илиқ бўлиши кутилмоқда.

Хуллас шунақа гаплар: ёзда жазирама иссиқ бўлишию қишда қаҳратон совуқ келиши бизнинг хоҳиш-иродамизга боғлиқ бўлмаган табиат қонунларидир! Акс ҳолда биз ёзда салқин, қишда иссиқ бўлишини хоҳлаган бўлардик.

■ **Бобо САРОЙИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонига ШАРҲ

Умумхалқ байрам — мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амнистия тўғрисидаги Фармон қабул қилинди.

Фармон озодликдан маҳрум этилганларнинг деярли барча тоифаларини қамраб олган.

Амнистияни қўллаш натижасида биринчи навбатда вояга етмаган ёшлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар озод этиладилар.

Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган йилда қабул қилинган Фармон 60 ёшга тўлган шахсларга, шунингдек аёлларга ўз оилаларига қайтишларига имконият яратади. Қонунларимизни бузиб, ўта оғир бўлмаган жиноят содир қилган чет эл фуқаролари ҳам ўз ватанларига тинч меҳнат билан шуғулланишлари учун қайтадилар. Бундай шахсларга нисбатан ҳали дастлабки ва суд тергови якунланмаган жиноят ишлари ҳам тугатилади.

Иқтисодиёт соҳасида, хўжалик юритиш жабҳасида содир этган жиноятлари учун биринчи маротаба судланиб, етказилган зарарни қоплаган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни озод этилиши ҳам назарда тутилган.

Турли сабабларга кўра, авваламбор ўзларининг савиясизлиги, билими ва тажрибаси етишмаслиги оқибатида ўз олдига конституциявий тузумни ағдаришни мақсад қилиб қўйган экстремистик радикал диний гуруҳларнинг домига тушган шахслар ҳам озод этилади.

Бу биринчи навбатда ўз қилмишларининг қанчалик оғирлигини ҳис қилиб, содир этган жиноятларидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга тааллуқлидир. Озод қилинаётган шахсларнинг яқин қариндошлари, шунингдек турар-жойларидаги маҳаллалар аҳли томонидан зарур эътибор, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишдаги иштироки шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганлар қаторида жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддатларини сезиларли даражада қисқартириш ҳам кўзда тутилган. Бундай чора таъсирига тушувчилар жазо ўтаётган маҳкумларнинг ярмидан ортиғини ташкил қилади.

Инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик каби фазилатларга асосланган Фармон жаҳон демократик ҳуқуқ яратиш тажрибаси ва ўзбек миллий анъаналарини уйғунлаштирган.

Бу мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини босқичма-босқич ўтказилаётганлигининг, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёни мутаносиб амалга оширилаётганлигининг яна бир далилидир.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТАБИАТНИ АСРАШ ЎЗИМИЗНИ АСРАШ, ИНСОНИЯТНИ АСРАШ ДЕМАКДИР

«Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир».

Ислом КАРИМОВ

Ушбу мақолада айтиладиган гаплар, муаммолар аслини олганда кўпчилик учун янгилик эмас. Ҳамма кўрган, билган манзаралар, деярли ҳамма ўрганиб қолган ҳолатлар. Шундай бўлса-да бу ҳақда тўхталиш, имкон қадар бу муаммонинг хунук оқибатларидан ҳамюртларни яна бир бор огоҳ этиш зарур деб ҳисобладик.

Аввало ўша манзараларни кўз ўнгимизга келтирайлик: ёзнинг жазирамаси, нафас олиш осон эмас. Айни шу пайтда йўл четида ёки яшаётган уйингиз биқинида атрофга ёқимсиз ҳид таратиб, осмонга ўрлаётган тутунга дуч келасиз. Нима ёнаётганини биласиз, асабийлашасиз. «Шундоқ ҳам нафас олиш қийин-ку, қайси фаросатсиз буни ёқдийкин?», деб ўйлайсиз. Ва яна ўйлайсиз: «Олиб кетилмагандан кейин нима ҳам қилишсин».

Кузда эса дов-дарахтлардан тўкилган хазон ва чиқиндиларни ёқиб юбориш ҳолатлари кўпаяди. Мутахассисларнинг фикрича, хазон ва чиқиндиларни ёқиш жараёнида ҳавога инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлган турли заҳарли газлар ажралиб чиқади ва у нафас сиқилиши — бронхит (астма), онкологик, шу жумладан, саратон (рак) касалликлари, асаб тизимининг бузилиши ва бошқа хасталикларни келтириб чиқариши тиббиётда аниқланган. Бироқ бу муаммо, матбуотда бот-бот айтилган бўлсада, тўкилган баргларни йиғиш ва улардан қишлоқ хўжалиги экинлари учун ўғит — компост тайёрлашга махсус майдонлар ажратиш масаласи ҳануз ҳал этилмаётир.

Маълумотларга қараганда, республикамизнинг саноат шаҳарлари атрофида 1 миллиард тоннага яқин чиқинди тўпланиб қолган ва у 10 минг гектардан зиёд ҳосилдор ерларни эгаллаб ётибди. Хусусан, ҳозир Қашқадарё вилоятида 13 та чиқиндихона рўйхатга олинган бўлиб, улар 74 гектар майдонни банд этган. Бу чиқиндихоналарга 1975 йилгача 267 минг куб метр қаттиқ чиқиндилар тўпланган бўлса, 1980 йилда ушбу кўрсаткич 1164, 1990 йилда 2583, 1995 йилда 14975 минг куб метрга етди. Чиқиндилар «тоғи» йилдан-йилга ўсиб бораётир.

«Экология хабарномаси» журналидан олинган мана бу маълумотларга эътиборингизни тортмоқчимиз: «Ривожланган мамлакатларда ахлатнинг тўкилиб ётганини кўрмайсиз. Рўзғор ва корхоналардан чиқарилган чиқиндилар махсус жойларга тўкилиб, ўз вақтида қайта ишловчи заводларга олиб борилади. Аввало, улар хилларига қараб ажратилади ва қайта ишланади. Бу заводларнинг ишлаш технологияси ҳам экологик жиҳатдан соғлом, яъни уларнинг дудбўронларидан тутун эмас, тоза буғ чиқади, корхоналардаги цехлар гигиеник жиҳатдан тоза. Масалан, Сингапурда сигарета қолдиғи махсус кўрсатилган жойга ташланмаса 500 доллар, ахлат тўғри келган жойга тўкилса 1000 доллар жарима солинади. Бу талаб, лавозимидан қатъи назар, барчага таллуқли бўлиб, қаттиқ назорат остида амалга оширилади. Бундай тартиб ривожланган хорижий давлатларнинг барчасида жорий этилган...»

Республикамиздаги шаҳарлар борган сари йириклашиб, корхоналар ва аҳоли сони ортиб бораётир. Бу ҳолат ўз навбатида турли чиқиндилар муаммосини ҳам келтириб чиқараётир. Кўпчиликка маълум, бир пайтлар Чехословакия технологияси асосида Тошкент яқинида йилига 400 минг тонна ахлатни қайта ишлашга ва ундан ўзига хос ўғит тайёрлашга мўлжалланган корхона қурилганди. Бироқ, мамлакатимизда ҳанузгача ягона бўлган мазкур корхона тўлиқ лойиҳа қувватига эришгани йўқ. Қолаверса, корхона ишлаб чиқарган «махсулот» буюртмачиларга маъқул бўлмади. Таркибида шиша синиқлари, консерва идишлари ва ҳар хил резина, кабель қолдиқлари бўлган бундай ўғитга ким ҳам пул тўлагиси келарди?

(Давоми 4-бетда)

ДЎСТЛАР ТАШРИФИ

Фарғонага Жанубий Корея пойтахтининг Ёнгсанг-Гу тумани маъмурияти кенгаши аъзолари ва тадбиркорлар вакиллари ташриф буюрдилар. Ушбу туман мэри жаноб Пак Чон Кю бошчилигидаги делегация икки кун давомида вилоятнинг Фарғона шаҳри, Тошлоқ туманидаги бир қатор Жанубий Корея билан биргаликда барпо этилган саноат корхоналарида бўлишди. Улар шунингдек, вилоят марказидаги корейс маданий маркази фаоллари билан учрашдилар. Ташриф давомида Ёнгсанг-Гу тумани ҳамда Фарғона шаҳри ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Меморандумга кўра, икки томонлама иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик амалга оширилади.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

ЕРНИ ВА ОДАМЛАРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ...

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИДА БАЁН ЭТИЛГАН МУАММОЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Тўғриси, давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ҳеч бир ўзбекистонликни, айниқса, ўзини сирдарёликман дейдиган инсонларни бефарқ қолдира олмайди. Президентнинг гаплари йигирма йилдан кўпроқ вақт Мирзачўлда яшаб, асосий бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлган ва ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам матбуотда мунтазам равишда ёритиб борган журналист сифатида менда ҳам фикр уйғотди.

Президент Гулистон шаҳрининг бугунги қиёфасига чиройли таъриф берди. Ҳақиқатдан ҳам шаҳар бугунги Мирзачўлнинг шоҳи сўзанаси, ҳар қандай киши унга мафтун бўлади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, Гулистон ўз қиёфасини асосан мустақиллик йилларида ўзгартирди. Тўқсонинчи йилларнинг иккинчи ярмида шаҳар бутунлай қайта қурилди. Натижада Гулистон ўз номига муносиб бўстон шаҳарга айланди.

Эсимда бор, Президент нутқида таъкидлаб ўтилган Деҳқонобод — Гулистон — Янгиер ичимлик сув тармоғи қурилиши совет даврида йигирма йилдан кўпроқ вақт режага киритилди, бироқ бир километри ҳам қурилмади. Тоза ичимлик сув ичиш гулистонликлар учун хаёлий орзу бўлиб қолган эди. Бу орзу фақат мустақиллик йилларида ушалди. Бир пайтлар шаҳарда қаровсиз спорт иншооти — ажириқ ва янтоқ қоплаган футбол майдони бўларди. Ҳозир бу ерда халқаро стандартлар даражасидаги спорт мажмуалари ишлаб турибди. Ёки бундан атиги бир неча йил олдин маънавиятнинг моҳиятини тушунмай панд еган вилоят раҳбарини эсланг. Бугун эса шаҳарда қад ростлаган «Маънавият ва маърифат» марказининг гўзал биноси ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда. Хуллас, мустақиллик шарофати ила юз берган бундай ўзгаришлар кўп.

Бироқ менда фикр уйғотган бошқа нарса. Яъни, бир пайтлар қишлоқ хўжалигини механизациялашда ҳамда янги ўзлаштирилган майдонларда мелиоратив тадбирларни комплекс равишда амалга оширишда бутуниттифоқ лабораторияси номини олган Мирзачўл ерлари бугунга келиб нега дармонсизланиб қолди? Умуман, бир пайтлар бу ерлар қандай мақсадда ўзлаштирилган эди ва ўша пайтдаги ҳайбаракаллачиликдан кўзланган мақсад нима эди? Мирзачўл ерларининг бугунги дармонсизлиги бир пайтлар «Голодностепстрой» деган бошқарма йўл қўйган хасталиклар-у кўзбўямачиликларнинг оқибати эмасмикан?! Мен бу саволларга ўз кузатишларим, шахсий фикр-мулоҳазаларим, таҳлилий хулосаларим асосида жавоб топишга ҳаракат қилар эканман, юртдошларимдан бир нарсада чалғимасликларини илтимос қиламан. Яъни, большевиклар доҳийсининг 1918 йилдаги декретида ҳам, собиқ СССР ҳукуматининг 1956 йилдаги қарорида ҳам Мирзачўлнинг келажаги, халқнинг тақдири, эртанги куни эмас (бу ҳақда бир оғиз ҳам гап йўқ), балки «Россия тўқимачилик саноатининг пахта билан таъминланишини яхшилаш» кўзда тутилган.

Олтмишинчи, етмишинчи, саксонинчи йилларда Мирзачўлда бутун бир давлат хўжалиги комплекс равишда топширилар эди. Яъни, ер ҳайдалиб ва текисланиб, шўр ювилиб, ариқ-зовурлар қазилиб, вертикал (тик) дренаж қудуқлари ва ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари қурилиб, хўжаликнинг марказий қўрғони тураржойлар, коммунал, маъмурий, маиший, маориф, маданий, медицина объектлари билан бирга бунёд этилиб топширилар эди. Бу вазифа тўлиқ «Голодностепстрой» ҳудудий бошқармаси зиммасига юкланганди. Биз журналистлар янги фалон хўжалик топширилармиш дейишлари билан дарҳол ўша ерга етиб борардик. Ҳали қабул комиссияси кетиб улгурмасидан текисланмаган ва шўри ювилмаган майдонларга, тозаланманган ариқ-зовурларга, ишламайдиган дренаж тармоқларига, дераза ёки эшиксиз, канализация ёки иситиш тармоғисиз турар жойларга ва албатта, тоза ичимлик сувсиз янги қишлоққа дуч келардик. Қабул комиссияси актида эса ҳаммаси «яхши» ва «аъло» деб қайд қилинарди. Саволлар кўплигидан гангиб қолардик. Бироқ «Голодностепстрой» бошқармаси раҳбарларидан жавоб олиб бўпсиз. Улар тўғридан-тўғри Москвага бўйсунишларини пеш қилиб, маҳаллий журналистлар билан мулоқот қилишни ўзларига эп кўришмасди.

Гап бошқарма раҳбарлари йўл қўйган кўзбўямачиликлар ва шунинг оқибатида бугунга келиб ернинг ўта шўрланиб ҳамда дармонсизланиб қолганлиги ҳақида борар экан, бир-иккита аниқ мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Жумладан, ёпиқ горизонтал дренажлар ётқизишни олайлик. Технологияга кўра, экин майдонларининг ўрталарига ўрнатилган бетон қудуқларга тўпланган сизот сувлари айланмаси 1956 йилдаги қарорида ҳам Мирзачўлнинг келажаги, халқнинг тақдири, эртанги куни эмас (бу ҳақда бир оғиз ҳам гап йўқ), балки «Россия тўқимачилик саноатининг пахта билан таъминланишини яхшилаш» кўзда тутилган.

Олтмишинчи, етмишинчи, саксонинчи йилларда Мирзачўлда бутун бир давлат хўжалиги комплекс равишда топширилар эди. Яъни, ер ҳайдалиб ва текисланиб, шўр ювилиб, ариқ-зовурлар қазилиб, вертикал (тик) дренаж қудуқлари ва ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари қурилиб, хўжаликнинг марказий қўрғони тураржойлар, коммунал, маъмурий, маиший, маориф, маданий, медицина объектлари билан бирга бунёд этилиб топширилар эди. Бу вазифа тўлиқ «Голодностепстрой» ҳудудий бошқармаси сизот сувлари айланмаси тешикчалардан иборат сопол қувурлар ёки полиэтилен қувурлар орқали, карталарнинг четларидаги очиқ зовурларга — коллекторларга оқиб туриши керак. Шунда экин майдонлари шўр ва зах сувлардан тозаланади. Аслида нима қилишди денг? Аслида кўп ҳолларда қурувчи-мелиораторлар, айтайлик, сопол қувурлар ёки полиэтилен қувурларни тежаб қолишади ва ётқизилмаган қувурларни ётқиздик, деб рапорт беришади. Мен кўп йиллар бунинг гувоҳи бўлганман ва ўша пайтларда ҳам матбуотда танқидий чиқишлар қилганман. Кўзбўямачилик оқибатида далалар ўртасидаги бетон қудуқчалар билан карталар четидаги коллекторлар ўртасида мелиоратив жараён — сизот сувларининг оқиши бўлмайди. Тўпланган зах ва шўр сувлар, айниқса, ерости сизот сувлари яна тупроқнинг унумдор қатламига тарқалиб ерни ишдан чиқарар эди. Ҳозир деҳқонлар ёпиқ горизонтал дренажлар ишламаяпти деб зорланишади. Чунки бу дренажларни ётқизишда ўша пайтда кўзбўямачиликка йўл қўйилган.

Ўшанда «Голодностепстрой»нинг бу «тажриба»сини ҳамма биларди. Бироқ унга Москванинг ҳомийлигидаги ташкилот сифатида қараларди ва ҳақиқий аҳвол ошкор қилинмасди. Аксинча, мелиорация ишларида Мирзачўл бутуниттифоқ тажриба мактаби номини олди. Бир мисол. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида Мирзачўлда собиқ СССРнинг мелиорация ва сув хўжалиги вазири иштирокида барча иттифоқдош республикалар етакчи мелиораторларининг уч кунлик амалий семинари бўлди. Унда «Голодностепстрой»нинг ёпиқ горизонтал дренажлар қуришдаги, вертикал (тик) дренаж қудуқлари қазишдаги ҳамда энг илғор мелиоратив техникани қўллашдаги тажрибаси ўрганилди. Жумладан, иккита хўжаликда ёпиқ горизонтал дренажлар қандай ишлаётганлигини кўрсатмоқчи бўлишди. Семинар қатнашчилари (уларнинг орасида марказдан ва иттифоқдош республикалардан келган 17 нафар вазир, йигирма нафардан ортиқ мелиоратор ҳамда ирригатор академиклар, кўплаб шу соҳанинг таниқли ва тажрибали мутахассислари бор эди) чўлдаги бир хўжаликка боришди. Намуна қилиб кўрсатиш учун ёпиқ горизонтал дренажлар ётқизилган катта бир экин майдони танланибди. Бир пайт экин майдони ўртасидаги бетон қудуқчасидан сув юборилди. Ҳамма айланаси тешик сопол қувурдан зовурга сув сизиб чиқишини кутди. Бироқ бир томчи ҳам сув чиқмади. Сув бетон қудуқчада сингмай турарди. Изза бўлган кўргазмачи мелиораторлар энди зовур томонда учи чиқиб турган сопол қувурга босим остида сув юборишди. Бироқ сув бетон қудуқча томон бир метр ҳам силжимади, аксинча, босим таъсирида зовурнинг қирғоғини ўпириб юборди. Меҳмонлар бетон қудуқча билан зовур ўртасидаги 100-150 метрлар чамасидаги масофага айланаси тешик сопол ёки полиэтилен қувурлар тўлиқ ётқизилмаганлигини, бордию ётқизилган тақдирда ҳам улар ишламаслигини пайқашди. Бошқа бир хўжаликда ҳам худди шундай манзара кузатилди.

Мен ўз кўзим билан кўрганимни айтяпман. Буни эслатиб ўтишимга сабаб шуки, бизнинг бугунги кунимизга ана шундай дренажлар мерос бўлиб қолган.

Мирзачўлда вертикал (тик) дренажлар ҳам кўп. Бироқ уларнинг кўпчилиги ишламайди, қаровсизликдан ташландиқ ҳолда ётибди. Бунинг сабабларини битта вертикал дренаж қудуғи мисолида олиб кўрайлик. Бурғулаш агрегати чуқурлиги ўн метрга борадиган тор доирадаги қудуқни минг машаққат билан қазийди. Сўнгра ерости сизот сувларини тўплайдиган узун қувурлар қудуққа тик ҳолда туширилади. Сувни ташқарига тортиб чиқариш учун насос ўрнатилади. Объект электр манбаига уланади. Қурилманинг усти ва атрофи бетон плиталар ёки панеллар билан ўраб қўйилади. Бунга қанча маблағ кетишини тасаввур қилиб кўринг. Ана энди буёғига эътибор беринг. Объект тайёр, ток улангандан кейин насос ишлаб кетади, шўр ва зах сувлар тик жойлаштирилган қувурда тўпланиб, насос ёрдамида ташқарига ариқ сувидек оқиб чиқаверади ва очиқ коллекторга йўл олади. Битта вертикал дренаж қудуғи ўнлаб гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради. Деҳқон хурсанд. Бироқ унинг хурсандчилиги узоққа бормайди. Ток тез-тез ўчиб туради. Демак, дренаж тўхтаб қолади. Шу орада кимдир ундаги насосни ҳам ўмариб кетади. Кўп ўтмай, бетон плита билан панел плитага ҳам «эга» чиқиб қолади. Қарабсизки, назоратсизликдан ҳамда қаровсизликдан вертикал дренаж қудуғи яроқсиз ҳолга келади. Бугун Мирзачўлдаги минглаб вертикал дренаж қудуқлари ана шундай аҳволда. Уларнинг аксарияти бир пайтлар «Голодностепстрой» бошқармаси қуриб фойдаланишга топширганидан кейиноқ, қаровсизликдан ана шундай аҳволга тушиб қолган. Аччиқ бўлса ҳам тўғрисини гапирайлик, ўз вақтида бу бошқармани бошқарган ва ҳозир ҳаёт бўлган собиқ раҳбарлар буни жуда яхши билишади.

Шундай қилиб, бугунги кунда бир пайтлар жиддий нуқсонларга йўл қўйилиб, қурилган, бир қисми қоғозда бор-у аслида йўқ, бўлганда ҳам масъулиятсизлик, жиноятқорона, хўжасизлик, қаровсизлик оқибатида ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёпиқ горизонтал дренажларни ҳамда вертикал дренаж қудуқларини қайта тиклаш, шунингдек кўпдан-кўп очиқ коллектор тармоқларини тозалаб тартибга келтиришдек долзарб масала ўз ечимини кутмоқда. Бироқ бу борада Сирдарё вилоятида бир неча йилдан бери ижобий томонга ўзгариш сезилмаяпти. Ерга муносабатда, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда бепарволик кайфияти ҳукмронлик қилмоқда. Президент Ислом Каримов вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида бундай бепарволик нималарда намоён бўлаётганлигини ифодалаб, жумладан, шундай деди: «Буни Мирзачўлни ўзлаштириш даврида ётқизилган дренаж қувурларини таъмирлаш билан боғлиқ муаммолар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, 1998 йилда ҳисобга олинган мингта тик қудуқдан бугунги кунда фақат ярми сақланиб қолган, уларнинг ҳам аксарияти ишламайди. Бу мураккаб масалани вилоят раҳбарияти ҳукумат ёрдамида, республикадаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиши лозим».

■ **Иброҳим НОРМАТОВ**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

КОНСТИТУЦИЯНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ

муносабати билан партия ташкилотлари турли оммавий-сиёсий, ҳуқуқий-тарғибий тадбирларни ўтказдилар ёки уларни уюштиришда фаол иштирок этдилар. Чунончи, **Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгаши** шундай тадбирларни «Мевазор» маҳалласи ва қатор бошқа ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари негизида уюштирди. Уларда қатор маҳаллалар ва партия ташкилотлари фаоллари, 29-поликлиника хизматчилари, Ю. Ражабий номли мусиқа билим юрти ўқитувчи ва талабалари қатнашдилар. Туман партия кенгаши биринчи котиби А. Каримбердиев уларда сўзга чиқиб, Ўзбекистон Конституциясининг тарихий аҳамияти, унда фуқароларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари кафолатланганлиги, республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасида баён этилган вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Кўқон шаҳар партия кенгаши мажлисгоҳида «Конституция муқаддас қомусимиз» мавзуида ёшлар вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан шаҳар прокурори Б. Саидов, шаҳар партия кенгаши биринчи котиби З. Ҳошимова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими раиси ўринбосари Ш. Қодирова ва бошқалар йиғилганларга Конституциямизнинг мазмун-моҳияти тўғрисида сўзлаб, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Қоракўл туман партия кенгаши ҳам ёшлар вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган тадбир ташкилотчиларидан бири бўлди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Бухоро туман кенгашида Олий Мажлис депутати М. Зокировнинг партия фаоллари ва сайловчилар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Депутат йиғилганларга сайловлардан буён ўтган давр давомидаги ўз фаолияти, мамлакат парламенти ва ундаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг иши, Олий Мажлис ўнинчи сессиясига тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот берди. Учрашувда сўзга чиққан туман партия кенгаши биринчи котиби С. Жўраева, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Т. Темиров ва бошқалар депутат олиб бораётган ишлар тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар.

Боғот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти туман Кенгаши депутати С. Бекжоновнинг ўз сайловчилари билан навбатдаги учрашувини ўтказишда ташаббускор бўлди.

Бухоро вилоят ва Андижон шаҳар партия кенгашларида ўтказилган фаоллар йиғилишларида Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2003 йил учун обунанинг бориши таҳлил қилиниб, шу соҳадаги шошилинч вазифалар белгиланди. Уларни мазкур партия кенгашлари биринчи котиблари Ж.Нуруллаев ва А.Носиров олиб бордилар.

Ўзбекистон ХДП Хўжаобод туман кенгаши ташаббуси билан «Малак» қишлоқ фуқаролар йиғинида партия ва маҳалла фаоллари иштирокида «Терроризм, диний экстремизм ва уларнинг салбий оқибатлари» мавзуида суҳбат ўтказилди. Суҳбатда туман партия кенгаши биринчи котиби О.Бўрибоева, туман «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Н. Абдураҳимова, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси К. Усмоновлар терроризмнинг келиб чиқиши ҳамда унинг бутун инсониятнинг ёвуз душманига айланганлиги сабаблари, Ўзбекистон раҳбариятининг у билан муросасиз курашда тутган йўли тўғрисида сўзлаб, барчани огоҳликка даъват эдилар.

Мазкур йўналишдаги тадбирлар, шунингдек, **Боғот туман партия кенгаши ва Қўшкўпир туманидаги О. Курбонов номидаги ширкат хўжалигида, ҳудудий партия ташкилоти ташаббуси билан** уюштирилди. Уларда Ўзбекистон Қаҳрамони М.Қуваков ва бошқалар республикамиз раҳбариятининг юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган сиёсати, бунинг қадрига етиш лозимлиги ҳақида гапирдилар.

Юнусобод туман партия кенгаши томонидан ўқитувчи ва тарбиячилар вакиллари учун ташкил этилган сиёсий семинар «Сиёсий партиялар ва электорат эҳтиёжлари» муаммосига бағишланди. Семинарда Марказий Кенгаш масъул ходими М.Ельшов шу борадаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Партия ташкилотлари эл-юрт учун астойдил меҳнат қилган ватандошларимизнинг ҳурматини жойига қўйишга ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, **Урганч туман партия кенгаши** туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девоновнинг 70 ёшга тўлганлигига бағишланган тантанали кечанинг ўтказилишида фаол иштирок этди.

КОМПЬЮТЕР БОШҚАРАДИ

Қорамолчилик парваришида ўтган йиллар юз берган камчиликлар ва уларнинг нохуш оқибатлари такрорланмаслиги учун ҳозир республикамиз бўйича жойларда барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Энг муҳими, соҳани унинг тилини тушунадиган кишилар қўлга олмоқда. Натижада, тармоқда сифат ва сон жиҳатдан ўсишга эришилиб, гўшт ва сут етиштириш ҳажми тобора ошиб бораяпти.

— Хўжалигимиз таркибидаги қорамолчиликка ихтисослашган фермада 650 бошдан ошиқ «Галиштена Пренс» қора-ола зотли моллар боқилмоқда, — дейди Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги фермаси мудири Ҳабибулла Каримов. — Мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштирилган бу моллларнинг ривожи учун барча саъй-ҳаракатни қилаяпмиз. 210 бош соғин сигир маҳсулдорлигини ошириш йўлида эса Швецариянинг «Делова» фирмаси билан 15 йил муддатга ҳамкорлик қилиш юзасидан шартномалар туздик.

Фермада ҳозир барча ишлар компьютерлаштирилмоқда. Унда ҳар бир сигир ҳақидаги кундалик маълумотлар батафсил қайд этиб борилади. Парвариш ҳам айни шу маълумотлар асосида амалга оширилади. Масалан, соғин сигирлардан олинаётган сут калорияси (қувват) даражаси ва унинг коэффицентини эндиликда компьютер истаган пайтингизда бемалол айтиб бера олади. Чорвадор кейин ана шу «ташҳис»га қараб мол парваришни йўлга қўяди. Қисқаси, чорвадор компьютерни, компьютер чорвани бошқаради.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

«МЕН ФЕРМЕРЛАРДАН РОЗИМАН»

— дейди Денов тумани ҳокими Абдулҳаким ЭШМУРОТОВ. — Улар буғдойдан нон, чигитдан «оқ олтин» бунёд этмоқдалар

Истиқлол шарофати билан онгимиз ўзгарди. Меҳнатга муносабат ҳисси шаклланди. Мулкдорлар синфи ташкил топди. Йирик фермер хўжаликлари, минглаб тадбиркор ва ишбилармонлар етишиб чиқди. Ҳозир ҳар бир соҳада ўзининг фидойи ва жонкуяр инсонлари меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги — аграр соҳани ривожлантиришда фермерлар улуши салмоқли бўлмоқда. Улар мамлакатимизнинг ривожланишида ҳам ўзига хос мурват бўлишмоқда, десак асло муболаға эмас. Юртимиз жануби — Денов туманидаги фермер хўжаликлари фаолиятлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

— Мен фермерлардан розиман, — дейди Денов тумани ҳокими Абдулҳаким Эшмуротов. — Улар ернинг ҳақиқий эгалари, ишбилармон инсонлар... Мана, қаранг, бу йил туманда 300 га яқин пахта ва 220 дан ортиқ ғаллачилик фермер хўжаликлари режаларини ортиғи билан уддалашди.

— 1995-2000 йилларда кўплаб режаларимиз барбод бўлганди — давом этди туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Жума Кенжаев. — Сўнгги йиллардагина ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Чунки фермерларга туманда энди-энди яхши шароит яратила бошланди. Ишлаш учун имкон бўлгач, меҳнатга иштиёқ уйғонаркан... Жорий йилда фермерларимиз 5 минг тонна ғалла, 8 минг тонна пахта тайёрлаб, кўзланган маррага барвақт етишди. Шунингдек, йил охиригача 1320 тонна гўшт ва 270 тонна сут ҳам етиштиришни мўлжаллаганмиз. Жорий йилда биргина пахтачиликнинг ўзидан 6,5 миллиард сўм даромад олдик. Бу — аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалиши ва туманимизнинг янада обод бўлишидан нишона...

Ҳа, мамлакатимизнинг ўн бир йиллиги нишонланган жорий йилда давлатга 51 тонна пилла, 29 минг 287 тонна сара дон, 44 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берган туман аҳли шу кунларда эса келгуси йил ҳосили учун замин яратмоқда.

... Яна ҳокимнинг фикрларини тинглаймиз: — Ёмон одамнинг ўзи йўқ. Ўзгаларга салбий муносабатда бўлган кишининг ўзи ёмон. Мисол тариқасида ўз мулоҳазамни айтсам. Оила ҳам кичик давлат, дейдилар. Эътибор берган бўлсангиз, рўзғорда камчилик ва нуқсонлар бўлади. Шундай экан, туманимизнинг белига қувват бўлиб турган фермерларга нега ўгай кўз билан қараш керак?! Юртбошимиз биринчи раҳбар қандай иш юритса, бошқалар ҳам шундай йўл тутади, дегандилар. Шу ўгитнинг ўзида катта маъно мужассам. Тўғри, фермер, тадбиркор, ишбилармон ва оилавий пудратчиларимизнинг барчасида ишлар силлиқ давом этаяпти, десам хато бўлади. Кимдир ўғит, бошқа биров ёнилғи, яна биров техникадан ёрдам сўраб келади. Унга бугун, ҳозироқ мушкулини ечишда кўмак бермасангиз эртага кеч бўлади. Шу боис, мана икки йилдирки, яхши анъанани йўлга қўйдик. Масалан, мен фермерларни ҳамма ишимни қўйиб бўлса ҳам, шахсан ўзим қабул қиламан. Ҳар ойда бир тўпланиб, маслаҳатлашиб турамиз. Қабулимга келганлар орасида фермер бўлса, биринчи уни қабул қиламан.

«Ташаббус — 2002» республика кўрик-танлови ғолиби, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Назруллаев сўзларидан:

— Ишни чорвачиликдан бошлаганман. Бир неча йил ер ололмай кўп сарсон бўлдим. Нима қилишни билмайман, денг. Шу йил бошларида тўғри янги ҳоким қабулига кирдим. Дардимни очиқ айтдим. Узоқ тингладилар.

— Сизни яхши тадбиркор, бир мактаб ва спорт кошонаси қурган, завод бунёд этган саховатпеша инсон дея эшитганман, — гап бошлади ҳоким. — Қирқ гектар ер нима бўпти, сиздек ишбилармон учун... Бораверинг, албатта ҳал қиламиз...

Биласизми, илгари бундай ваъдаларни тинглайвериб, ўрганиб қолган эканманми, аввалига ишонмадим. Эртасига Термизга кетдим. Кечқурун келсам, ишчиларим суюнчи олишди. Эллик гектар ер берилибди! Енг шимириб ишга киришдик...

— Етти ўлчаб, бир кес деган нақл бор, — яна сўзга қўшилди ҳоким. — Шундай экан, фермерларга аввало имконият яратиб, синаб кўриш лозим, деб ўйлайман. Уларнинг юздан бир фоиз имкони бўлса ҳам тугатишга шошилмаслик зарур. Ишончим комилки, тадбиркорлик билан иш юритилса, у қаддини тиклайди... Яна бир муаммо: бу — банк ва кредит олиш масаласи. Биргина туман «Миллий банк»ида 200 га яқин мижоз бўлса, шуларнинг кўпчилиги фермерлар. Шундан ҳам билса бўладики, банк ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Хуллас, бугуннинг замонавий тадбиркори билан суҳбатлашсангиз, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз...

Ҳоким шундай деди-ю, кимнидир чақиргандек бўлди. Қабулга жуссаси келишган, меҳнатда тобланганлиги юз-кўзиданоқ сезилиб турган бир йигит кириб келди. У «Баҳриддин» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Дилов экан.

— 1995 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, — сўз бошлади у. — Тўғри, дастлабки йилларда турли тўсиқларга дуч келдим. Айниқса, кредит масаласида анча қийналдим. Қайси банкка борсам, «ҳозирча маблағ йўқ, қачон пул бўлса ёрдам берамиз» деган жавобни олардим. 2001 йилнинг бошларида туман «Миллий банк»ига мурожаат қилдим. Бошқарувчи Бахтиёр Шеров ҳужжатларимни кўздан кечиргач, кўп ўтмай 15 миллион сўм кредит олдик. Банк ходимларининг ҳалол, беминнат хизматидан хурсанд бўлдик. «Ҳа деган — туяга мадад», деб бежиз айтишмаган экан. Ишларимиз юришиб кетди. Чорвачиликни ривожлантирдик. Бугун боқувимизда 650 бош қорамол, 180 бош қўй бор. Тикувчилик цехимиз ҳам фаолият бошлади. Ўтган йиллар давомида 80 кишини иш билан таъминладик. Йил охиригача халқимиз дастурхонига 300 тоннадан ортиқ гўшт ва сут етказиб беришни ҳам мақсад қилганмиз. Жорий йилда ушбу банкдан яна 35 миллион сўм кредит олдик. Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллик тўйигача мевани қайта ишлаб, шарбат тайёрлайдиган завод ва терини қайта ишлайдиган корхона қурмоқчимиз. Насиб этса, яна 100 киши иш билан таъминланади...

— Шундай ишбилармон йигитлардан фахрланмай бўладими?! — дейди туман раҳбари унга ғурур билан назар ташлаб. — «Бехрўзбек», «Гулшан» каби ўнлаб фермер хўжаликларимиз бошида ҳам мана шундай ғайратли инсонлар турибди. Боя кимдир сизга тадбиркор Исмоил Тангиров ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бераётувди, чоғи. Ана, ўзлари турибдилар, гаплашинг...

— Ота-бобомиз темирчи эди, биз эса деҳқончиликни танладик, — гап бошлади Исмоил ака. — Биргина жорий йилда 10 гектар майдондаги буғдойнинг ҳар гектаридан 102 центнердан ҳосил олдик. 9 гектар ерда эса 46 тонна «оқ олтин» хирмони яратдик. Ҳосилдорлик гектар бошига 51 центнердан бўлди...

— Ўзига хос бу қўш рекордининг тагида заҳматли меҳнат бор, — гапга қўшилди ҳамроҳимиз, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдусамад Ҳожиқулов. — Жорий йилни у 15 миллион сўм фойда билан якунлашни чамалаган. Келажакда 40 бош соғин сигир олиб, ҳар йили 50 тоннадан гўшт ва сут ҳам етиштирмоқчи. Яна бир гап: узоқ йиллар ишламай ётган артезиан қудуқни ҳам тадбиркор 5,5 миллион сўм пул сарфлаб ишга туширди. 200 хонадон аҳли бугун шундай савобталаб инсонни дуо қилиб юрибди. Туман пахтакорлари зафар маррасини эгаллаган куни вилоят ҳокими Тошмирзо Қодиров фермерга рангли телевизор совға қилиб, унга яна 100 гектар ер майдони беришни ваъда қилди...

Деновда фермер хўжаликлари тобора кўпаймоқда. Уларнинг ерлари кенгаймоқда. Ер ўз эгасини топмоқда. Бунинг самарасини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Конституция — менинг, сенинг, унинг — барчамизнинг тақдиримизда



БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуида республика олий ўқув юртлари минтақавий кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ушбу танлов Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика минтақавий кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи асосида ташкил этилди.

Кўрик-танловда Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қарши, Жиззах, Навоий вилоятларидаги мавжуд олий ўқув юртлари (14 та) иштирок этди.

Танловнинг тантанали очилиш маросими куни маърифатнинг қадим бешиги бўлган СамДУда «Конституцияни ўрганиш маркази» ташкил этилди. Марказ замонавий техник воситалар, зарур ўқув адабиётлари ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Бош Қомусимизнинг 10 йиллиги муносабати билан университетда «Конституция стипендияси» таъсис этилган.

Ҳайъат юқоридагиларни ҳисобга олиб Самарқанд давлат университетига I ўринни, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати технологияси институтига II ўринни, Термиз давлат университетига III ўринни лозим топди.

Конституцияни ўрганиш юзасидан Самарқанд давлат университетида тўпланган тажрибаларни оммалаштиришга келишиб олинди.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

* * *

Суратларда: 1.2. Конституция марказининг очилиш маросими. 3.4. Марказда илк сабоқ.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



ТАРАҚҚИЁТ ҲАЛОЛЛИК ВА ЭЪТИҚОДГА БОҒЛИҚ

Асрлар давомида инсон нодонлик, қарамлик ва қулликнинг барча шаклларидан озод бўлиш ҳамда эркин, тўқфаровон ҳаёт кечиришни орзу қилиб келган. Инсон социал, сиёсий ва маънавий қулликдан тўла озод бўлса, жамиятнинг мустақил ривожига, халқ оммасининг ижтимоий фаолияти кучайишига, унинг юксак билим ва ахлоқ чўққиларига кўтарилишига эришиши мумкин.

Ҳозирги давримиз даставвал шахс эркинлигини, унинг барча ҳурофий ва сохта тасаввурлардан холи тафаккур соҳиби, ҳар томонлама билимдон бўлишини талаб қилади. Инсоннинг барча фазилатлари, ақл-идроки ва имкониятини тўла очиб, ундан оқилона фойдалангандагина жамият ривожи ва равнақини таъминлаш мумкин. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқараши, билим даражаси, маданий ва сиёсий савияси ҳамда хулқ-атвори умуминсоний қадриятларга мос келиши муҳим аҳамиятга эга. «Жамиятимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизида қурилган миллий мустақиллик мафкураси, — деган эди Ислом Каримов, — умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялашни, ҳалоллик, мардлик, сабр-бардошликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга тиришишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак».

Инсон мавқеи жамият моҳияти билан бевосита алоқадор бўлиб, шахс камолининг асосий манбаи жамиятда, унинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тузумида эканлигини тарих тажрибаси тасдиқлаб берган. Эркин шахс яшаш мақсадини ва ўз мавқеини тўғри аниқлаб олишга, жўғрофий тасаввурлардан озод ҳолда ақл-идроки, куч-ғайратига ва виждонига таяниб, ҳалол меҳнат ва фаолият билан турмуш шароитини яхшилашга интиладиган бўлиши керак. Аммо кишилар орасида иродасиз шахслар ҳам борки, улар турмуш қийинчиликлари олдида ожиз бўлиб, нафақат ўзлари ахлоқсизлик ва нодонлик тўрига тез илинадилар, балки ижтимоий тараққиётга ҳам ғов бўладилар. Демак, ҳалол, пок, етук инсон, энг аввало, жамият тараққийси учун керакдир.

Ўтмишда ва ҳозир ҳам маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланган исломнинг хулқ-атворимизни, руҳиятимизни ва турмуш тарзимизни мустаҳкамлашдаги хизматини унутиш мумкин эмас. Аммо катта сиёсат, давлат ишларида, замонавий халқаро муносабатларни самарали бошқаришда илм-маърифатга ва умуминсоний, дунёвий қонун-қоидаларга риоя қилиш давр талабидир. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 31-моддасида: **«...Ҳар бир инсон виждон эркинлиги ҳуқуқига, хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга»,** деб ёзилган. Бу қоида динлар ўртасидаги тотувликни ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Айниқса, эътиқод борасидаги кенглик «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисидаги Қонунда яққол ўз ифодасини топган. Ҳар бир фуқаро бу қонунни шунчаки хўжакўрсинга эмас, балки чуқур ўрганиб, юраги билан ҳис этса ва тўғри англай олса, ўлкамизда ҳамиша осойишталик, тинчлик бўлиши шубҳасиз. Чунки тарих синовидан ўтган виждон эркинлиги қонунига тўла риоя қилиш кенг омма билан давлат ўртасида ўзаро муносабатларнинг меҳр ва ҳурмат билан намоён бўлишига хизмат қилади. Бунга республикамизда сўнгги йилларда динга ва диндорларга катта эътибор берилаётганлиги ёрқин мисол бўла олади. Конституциямизнинг 18-моддасида: **«Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеидан қатъи назар, Қонун олдида тенгдирлар»,** деб таърифланган.

Президентимиз ҳаққоний равишда қайд қилганидек, мустақил ва ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи бор қабул қилинган Конституциямизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги соҳасида талайгина ижобий жиҳатлар мавжуд. Шунинг учун ҳар бир чинакам ватанпарвар фуқаро ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямиз қоидаларига тўла риоя қилиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Хуллас, ҳозирги пайтда шахснинг индивидуал белгиларигина эмас, балки унинг сўз, тафаккур ва виждон эркинлиги асосида маънавий бойликка, ахлоқий покликка, жисмоний камолотга етказиладиган ёки унга тўсқинлик қиладиган барча шарт-шароитлар, восита ва омилларни билиб олиш ниҳоятда муҳимдир. Президентимиз айтганидек, «демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин».

Истиқлолга юз тутган келажаги буюк республикамиз олдида турган энг муҳим вазифа кишиларимизнинг мустақил тафаккурга, юксак сиёсий ва ҳуқуқий онгга эга бўлиши, миллий мафкура ғояларини қалбига сингдиришдан иборат. Ана шунда биз Ватан олдида турган буюк режаларимизни амалга оширадиган комил инсон бўла оламиз.

■ **Исо ЖАББОРОВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор

ҚОМУСИМИЗ САБОҚЛАРИ

ТРАМВАЙДАГИ СУҲБАТ

Йўлда муҳарририят буюртмасини ўйлаб кетаяпман. Трамвайга чиқдим. Ёнимда ўтирган онахоннинг қўлида бир тўп китоб. Нигоҳим тушганини сезиб, ўзи гап бошлаб қолди.

— Набирамга олдим. Лицейда ўқияпти.

— Яхши, Конституциямизни ҳам олибсиз...

— Уни ўзим ҳам ўқиб туришни яхши кўраман.

Онахоннинг гап-сўзларидан билдимки, кекса зиёлилардан. «Буюртма ижросини айни шу суҳбатдан бошласам бўларкан», дея кўнглимга тугдим ва сўрадим:

— Конституциядаги қайси моддалар сизга кўпроқ ёқади?

— Ҳаммаси! Айниқса, ўзим она бўлганим учунми, мана бу, (онахон китобчани варақлаб ўқий бошлади) 45-модда: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», 63-модда: «Оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади», 65-модда: «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», 66-модда: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» деган қоидаларни ўқийверсам, кўнглим равшан тортиб кетаверади.

— Нега айнан шу моддалар, сир бўлмаса?

— Сири шундаки, — яна гапга тушди онахон, — уларда халқимизнинг бой ички маънавий дунёси сезилиб турибди. Халқимизнинг саховати, маданияти, очиқ табиати акс этган. Оналарга ҳурмат, меҳр-шафқат, болажонлик, авлодлар тарбияси — ҳамма-ҳаммаси бор.

..Трамвай навбатдаги бекатда тўхтаб, ўрнидан яна қўзғалаётган эди, онахон шошиб «ҳай-ҳай»лаб қолди:

— Вой, тўхта, ҳой, ҳой, болам, тўхта... гап билан бўлиб ўтиб кетай дебман-а...

Онахон тушиб кетди. Афсус, кимлигини сўраб улгуролмадим.

САВОЛ-ЖАВОБ ДАРСИ

Ўқитувчи ўқувчиларга газета қирқмаларидан ҳар хил жиноий ишлар, криминал ҳодисалар баёнларини қисқа-қисқа ўқиб бермоқда ва улардан қонун нуқтаи назаридан қаерда қандай ҳолатда Конституция қоидалари бузилганлигини сўраяпти.

«..М.нинг уйига эски таниши Г. бир қизни ўзи билан эргаштириб келди. «Бу қизнинг исми Ю., — гап бошлади Г...

— Ота-онаси билан жанжаллашиб бу томонларга келиб қолибди»...

...Ю.нинг ... содда эканлиги шундоқ чеҳрасидан билиниб турарди. М.нинг кўнглига шум ният оралади. «Борарга жойи, турарга уйи бўлмаса ишимни қилиб, киримни ювиб юради. Чувринди қиз...»

М. биринчи кунданоқ қилдан қийиқ ахтарди... Аёл боши билан гиёҳвандликка муккасидан кетганди. Хумори тутганда кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Бир куни ерталаб яна шундай ҳолатга тушди... Ю.нинг кир ювиб ўтирганини кўрса-да... «нега уй-рўзғор ишларини бажаришдан бўйин товлаяпсан?» деган қуруқ тухмат билан турли жойига ура кетди. Оғир калтак остида қолган Ю. ерга йиқилди... дод-фарёд қилди... қон кета бошлади... қон Ю.ни ҳаётнинг сўнгги манзилига етаклаганди...» («Постда» 26 апрель, 2001 йил, «Разолат қўйнидаги аёллар»).

— Содир бўлган фожианинг таҳлили ва қотилнинг жазоси суднинг иши, албатта, — жавоб қилди талабалардан бири, — бунинг учун мамлакатимиз қонунчилигида амал қилаётган Жиноят Кодекси бор. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра мазкур ҳолатда «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деган 24-моддаси бузилган. Шунингдек, 26-модданинг ҳам иккинчи талабига хилоф иш тутилган. У ерда: «ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас», деб қўйилган. Қолаверса, қотилнинг хатти-ҳаракати 48-моддадаги «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар» деган талабга ҳам мутлақо зид.

— Жавоб тўғри! — баҳолади ўқитувчи ва навбатдаги саволга ўтди: — Энди мен сизларга айни шу мақоладан мархума Ю. қандай қилиб бу ҳолатга тушиб қолганлиги ҳақидаги жойини ҳам ўқиб бераман: «...Марҳума Ю.нинг отаси М.А. ўз пушти камаридан бўлган қизига эътиборсиз қаради. Унинг тарбияси, назоратини унутди... ўз фарзандининг қаерда... эканини ўйлаб кўрмади... қизи кўчама-кўча, шаҳарма-шаҳар дайдиб...»

— Бу ҳолатда, — жавоб берди навбатдаги талаба, — Ю.нинг ота-онаси ўзларининг муқаддас бурчларини бажармаганлар. Уларнинг бу хатти-ҳаракатига Конституциянинг 64-моддаси йўл бермайди. Зеро, у ерда «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» деб ёзиб қўйилган... Демак, мархума Ю.нинг ота-онаси ҳам қонун олдида жавоб беришлари керак...

Дарс шу тарзда давом этарди...

БУРЧ

— Адаси, кимсиз — каттакон фирманинг директорисиз, кўлингиздан келмаган иш йўқ... дастингиз узун. Наҳотки, шу бир шапкавой-военкомга сўзингиз ўтмаса?

— Нима демоқчисан?

— Ўғлингизга повестка ташлаб кетди. Анави бухгалтерингиз бор-у, ўша ҳам ўғлини «касал-пасал» деб армиядан олиб қолди. Сиз шу бухгалтерчалик ҳам...

— Бўлди, бас! Директорлигим ўз йўлига... — У ўрнидан турди-да, китоблар жавони сари юра бошлади ва сўзида давом этди: — Сен ҳам, ўғлинг ҳам мана бу китобнинг 11-боб, 52-моддасини яхшилаб ўқиб, мияларингга муҳрлаб олларинг... Соппа-соғ ўғил болага уят эмас-ми? Йигитлик номуси қаерда қолди...

Ота чиқиб кетди. Она ва бола моддани ўқишди: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар».

ГЕРБ ҚАДРИ

Талабалар шаҳарчасидаман. Атроф ёшлар билан тўла. Уч нафар йигитча ўзаро ҳазилмутойиба билан ёнимдан ўтишаяпти. Бир пайт улардан бири ниманидир олиш учун ерга энгашди. Улфатлари унинг ўн тийинлик тангани ердан олганини кўрдилар-да, гап отишди:

— Ўл-а, шу ўн тийинни ҳам пул деб олдинг-а..

— Во-ой, зиқна, битта гугурт ўн беш сўм турганда, сен арзимаган танга учун ерга эгилдинг-а...

Ўртоқларининг дашноми унинг энсасини қотирган бўлса-да, сир бермади.

— Буни мен бир тийинлиги учун эмас, юзида Ўзбекистон Гербининг тасвири борлиги учун, Гербимиз оёқ остида ётмасин деб ердан кўтардим, — деди у фахр билан. — Герб — давлат рамзи. Конституцияда шундай ёзилган...

Дўстлари жим қолишди.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ИФТИХОР

Асосий Қонуним,
Эрку имконим,
Эл-юртим шаънини нақш этган китоб!
Сен — ўзинг ҳуқуқим, дорилфунуним,
Сен — бахтим уфқида порлаган офтоб.

Ўзингсан мен учун бир нурли аъмол —
Улуғ ислоҳотлар йўлида ҳакам.
Ҳар бир чорловингга қиларкан амал,
Англадим келажак, ўтмишимни ҳам.

Сен борсан толеим, камолим баланд,
Илм олдим. Юксалдим. Озод инсонман.
Буюк минбарларда тута олдим қад,
Сўзладим озод юрт — боғу бўстондан,

Сўзимни ҳеч кимса бўлмагай асло,
Ҳеч бир кас йўлимга қўя олмас ғов.
Қаддим тик; Ҳақ ишга бергайсан фатво,
Юксалдим; Ҳурликка бўлолдинг гаров.

■ **Зиёвуддин МАНСУРОВ**

ЭЗГУЛИККА УНДОВЧИ МАНБА

Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга...» деб белгилаб қўйилган. Бу илм олишни истаган ҳар бир фуқаро учун катта имконият эшиклари очиқлигидан далолат. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида ҳам ёшларнинг таълим ҳуқуқини таъминлаш, истеъдодли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлида бир қанча ишлар қилинмоқда.

Институтимизда Конституцияни ўрганишни ташкил этишга тажрибали профессор-ўқитувчилар жалб қилинди. Улардан 8 нафари махсус курсларда ўз малакаларини ошириб қайтишди.

Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташкил қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш мақсадида «Қонунни ҳамма билиши шарт» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда профессор-ўқитувчилар ва талабалар фаол қатнашдилар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш қўмитаси, Оила ва аёллар муаммолари комиссияси, «Тасвирий оина» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» шиори остида республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида институтимизда тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилди. Унга кўра факультетларнинг барча гуруҳларида Конституцияни ўрганиш бўйича мулоқот дарслари, давра суҳбатлари олиб борилди. Баҳсларда 600 нафардан зиёд талабалар Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳаётийлиги, давлат рамзлари, Ватан тимсолларини ифодалаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг Конституциядаги ифодасини шарҳлаш бўйича беллашдилар. Унда кўргазмалар, суратлар, талабаларнинг турли ижодий ишлари намойиш қилинди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбир ёшларнинг Конституциямиз мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англашларида амалий аҳамиятга эга бўлди.

Бундан ташқари Конституцияни тасвирий воситалар орқали ифодалаш бўйича 50 дан зиёд деворий кўргазмалар яратилди. Кўргазмаларнинг яратилишида профессор-ўқитувчилар ва 100 нафардан зиёд талаба фаол иштирок этди. Институтимиз ушбу кўргазмалар бўйича ўтказилган танловда вилоят бўйича биринчи ўринни, Фарғона водийси олий ўқув юртлари орасида иккинчи ўринни эгаллади.

Бош Қомусимизни ўрганиш бўйича институтда, факультетларда ҳам «Конституция хонаси» ташкил этилган бўлиб, улар қонунлар, инсон ҳуқуқи ва бурчига оид китоб ва журналлар билан жиҳозланган.

Конституциямизнинг 42-моддасида «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади...» деб ёзиб қўйилган. Бундай имкониятлардан фойдаланаётган институтимиз олимларидан профессор А. Маматқулов, А. Абдуллаевлар, доцент М. Ҳалилов, Ё. Қурбоновлар, тадқиқотчилардан В. Хўжаев ва О. Маматқуловлар рентген аппарати ёрдамида ташҳис қўйишнинг янги услубини, яъни компьютер орқали ташҳис тасвирини тақчил ва қиммат фотоплёнкага эмас, балки оддий қоғозга туширишни ишлаб чиқдилар. Янгиликни жорий этиш вилоятимиз миқёсида 360 миллион сўмни тежайди. Бундай мисолларни институтимиз бўйича кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, жорий йилда олимларимиз томонидан яратилган 5 та ана шундай янгилик ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Маълумки, илмий ва техник ижодни рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг «Умид» ва «Устоз» фондлари ташкил этилган. Бу фондлар иқтидорли ва истеъдодли ёшларимизнинг хориждаги нуфузли билим даргоҳларида илм олишини ҳамда ўз малакаларини оширишини қўллаб-қувватлайди. Ўндан ортиқ талабаларимиз АҚШ ва Буюк Британияда магистратурада таҳсил олиб қайтдилар. Ёш профессор-ўқитувчиларимиздан З. Жўраев, К. Мирзаев, Т. Каримов, С. Сайидхоновлар «Устоз» жамғармаси йўлланмаси билан Канада, Исроил, Италия ва Германияда малака оширдилар.

Кейинги йилларда институтимиз олимлари томонидан 9 монография, 4 та дарслик, 37 рисола, 79 ўқув-услубий ишлар, 105 мақола, 200 га яқин тезислар чоп этилди. Институтда иқтисодиёт йўналиши бўйича аспирантура очилган. Унда 12 аспирант илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда, яна 20 дан ортиқ истеъдодли ёш олимлар илмий изланувчи сифатида, улардан 9 нафари докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Талабалар учун замонавий талаблар асосида жиҳозланган лабораториялар, 2 та компьютер маркази, 100 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона мавжуд. Ҳар бир талаба ва профессор-ўқитувчиларимиз интернет тизими орқали республикамиздаги ва хориждаги олий ўқув юртлари билан боғлана оладилар. Бу эса ёшларимизни Конституциямизнинг «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга...», деган 29-моддасини амалда бажараётганларининг исботидир.

Талаба ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда институтимиз нашри ҳисобланган «Талабалик йилларим» газетасининг алоҳида ўрни бор. Ёшларимизни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда газетанинг катта роль ўйнаётганлигини эътиборга олиб, талабаларимизни бу газетага институт ҳисобидан 3,6 миллион сўмлик обуна этдик. Зеро, асосий мақсадимиз ёшларни миллий мустақиллик ғоялари асосида тарбиялаш ва вояга етказишдир. Муҳтарам Президентимиз «Биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак», деб таъкидлаган эдилар. Бу кўрсатма институтимиз жамоасининг асосий вазифаси деб қабул қилиниб, уни бажариш учун мавжуд салоҳият ва имкониятлар жалб қилинмоқда.

■ **Абдулазиз СОТВОЛДИЕВ,**
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТАБИАТНИ АСРАШ ЎЗИМИЗНИ АСРАШ, ИНСОНИЯТНИ АСРАШ ДЕМАКДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кейинги пайтларда юртимизда чиқинди ва ахлатнинг жойларда тўпланиб қолаётганлиги билан хорижлик ишбилармонлар қизиқиб қолишди. Масалан, германиялик мутахассислар уларни қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этишди. Испанлар Ангрен кўмир ҳавзаларида тўпланиб қолган чиқитларни ишлатишдан манфаатдор эканликларини билдиришди.

Хўш, бу тафсилотларни баён қилишдан мақсад нима? Чиқиндилар масаласи ҳозир муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Уларни қайта ишлаш нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ер, сув, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш, кишилар саломатлигини муҳофаза қилишда ҳам катта аҳамиятга эга. Бунинг учун жойларда хорижий шериклар ҳамкорлигига суяниш, чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини кўплаб барпо этиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши мазкур муаммоларнинг ижобий ечим топишида кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз, албатта.

Баъзи вилоятларда ширкат хўжаликларининг чорвачилик фермалари ёки ўрта ва кичик бизнес корхоналари шундоққина дарёлар, каналлар, ариқлар бўйларида жойлашган бўлиб, улардан чиққан турли оқова ва чиқиндилар тўғридан-тўғри сувга тушмоқда. Савол туғилади: бундай номақбул ҳолларга йўл қўяётган шахсларга қатъий чоралар кўриш фурсати етмадими? Оролдай улкан бир денгизнинг қуриб, фалокат ёқасига келиб қолганлиги сабоқ эмасми?

Биз борлиқ қўйнида яшаймиз. Унинг бебаҳо неъматлари туфайли тирикмиз. Демак, табиат бизни едиради, ичиради, кийинтиради. Ҳолбуки, бизнинг бунга жавобан, фақат бугунимизни ўйлаб, ўтмиш ва келажак дардидан йироқда яшашимиз энг катта хатоларимиздан бири эмасми?

Собиқ иттифоқ даврида экин майдонлари ишдан чиқадими, пахта пайкалларига сепиладиган захри қотилдан одамлар ўлиб кетадими, бу мутасаддиларни сира ташвишлантирмасди. Дарвоқе, ўша пайтларда қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий бирикмаларнинг кўп ишлатилиши оқибатида деҳқончилик майдонларининг ифлосланиш даражаси ҳаддан зиёд ошиб кетди. Заҳарли пестицидлар озиқ-овқат орқали одамлар организмига ҳам ўтди. Бинобарин, бундай заҳарли препаратлар ишлатилганда тупроқ таркибида 15-20 йилгача унинг қолдиқлари сақланиб қолиши аниқланган.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, тупроқ таркибининг ифлосланишида саноат корхоналарининг ҳам «ҳисса»си сезиларли экан. Бухоро вилоятидаги 32 та корхонанинг 77 манбаида турли зарарли чанглар атроф-муҳитга тарқалмоқда, Андижон вилоятида 67, Навоий вилоятида 20, Сурхондарё вилоятида 27 корхона таркибида углерод оксиди, азот оксиди, аммиак, водород чанги бўлган ғуборлар билан муҳитни ифлослантираётганлиги аниқланди. Уларда чанг ютгичларнинг етарли қувват билан ишламаслиги ёки кўпчилигининг экскирганлиги ёхуд фақат «хўжакўрсин»га ўрнатилганга ўхшайди. Оҳангарон шаҳрининг жанубий томонига назар солсангиз, осмонга бураліб ўрлаётган тутун «йўли»га кўзингиз тушади. Бу цемент корхонаси мўриларидан чиқаётган гарддир.

Саноат корхоналари ва автомобилларидан чиқаётган бундай заҳарли газ, тутун ва чанглар атмосферадаги озон қатламининг емирилишига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Борлиқни қуёшнинг зарарли ультрабинафша нурлари таъсиридан сақлайдиган озон қатлами кундан-кунга емирилиб, бугун дунё олимлари олдида глобал муаммо бўлиб қолмоқда. Айниқса, XXI асрга келиб Ер шарининг ҳимоя қатлами анча сийраклашган. Ҳозир БМТнинг атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланувчи ЮНЕП дастури озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Ўзбекистон ҳам бир қанча конвенцияларга қўшилиб, озон қатламини зарарли моддалардан муҳофаза қилишга оид Вена конвенциясини ва Мемориал протоколни ратификация қилган.

Шаҳримиз чиройига доғ бўлиб, маҳаллалар ҳудудларида, катта кўчалар атрофида, ариқ бўйларида тўп-тўп ёнаётган ва ҳавога заҳарли концероген ис (ҳид)ларни чиқараётган ахлат уюмлари сўнгги пайтларда бизнинг бефарқлигимиз ортаётганлигини кўрсатиб турмаяпти-ми? Ҳолбуки, ахлатхоналардан чиқаётган тутуннинг зарари инсон саломатлиги учун саноат корхоналаридан чиқаётган ислардан ҳам кўра минг чандон заррлидир. Шундай экан, чиқиндиларни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб ташлаш билан масала ҳал бўлмайди. Фикримизча, ҳар бир йирик корхона, ҳар бир туман ўз ҳудудидаги чиқиндиларни бартараф қилишлари учун кичик-кичик заводларни ишга туширишлари лозимга ўхшайди.

Бир пайтлар Америкадаги Мичиган кўли, Англиядаги Темза дарёси, Европадаги Рейн дарёси каби машҳур сув ҳавзалари «ўлик» дарёлар сирасига кириб қолганлигини кўпчилик билмаса керак. Ривожланган ушбу мамлакатларда амалга оширилган экологик тадбирлар натижасида, бу дарёларга қайта «жон» ато этилди. Экологик вазият тикланди.

Табиатнинг мусаффолигини сувнинг ҳолатига қараб биламиз. Пойтахтимиз аҳолиси 1960 йилларгача ариқлардан сув ичишган. Эндиликда-чи? Ижобий сўз айтиш маҳол. Демак, Тошкент шаҳрининг экологик аҳволи ташвиш уйғотиши керак эмасми. Шаҳримизнинг фақат биргина тумани — Юнусобод экологик жиҳатдан тоза ҳисобланади. Бунинг боиси, у нисбатан тепаликда ва тоғ томонда жойлашган.

Шаҳримиз атмосфераси, ҳавоси тўғрисида гап кетаркан, автомобилларнинг ҳам ҳавога чиқараётган заҳарли газлари ҳақида тўхталишга тўғри келади. Шу кеча-кундузда шаҳримизда 300 мингдан зиёд транспорт воситалари мавжудлигини инобатга олсак, атмосферанинг ифлосланишида уларнинг «улуш»и қанча эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Зеро, 1 литр бензинни ёқиш учун 15-20 кубметр кислород сарфланади. Мавжуд 300 мингдан ортиқ транспорт воситалари 5 литрдан бензин ёқса-чи? Транспорт воситаларидан чиқаётган турли хил заҳарли моддалар бенз(а)пирен, қўрғошин сингари моддалар инсонда саратон (рак) касаллигини келтириб чиқаришини тадқиқотчилар исботлашган. Халқаро ташкилотларнинг изланишлари натижаси шуни кўрсатдики, йирик шаҳарлардаги болаларнинг сочи, тирноқлари ҳамда қонида қўрғошин, бенз(а)пирен моддалари қишлоқларда яшайдиган болаларга қараганда анча кўп экан. Аёллардаги анемия (камқонлик), эркаклардаги юрак қонтомир касалликларининг ортиб бораётганлиги ҳам ташвишли ҳол, албатта.

Бу муаммоларни бартараф этишда, республикамизда қабул қилинган Экологик дастурларнинг бекамиқўст бажарилишига боғлиқ. Дарахтзор ва ўрмонларни кўпайтириш, мевали ва манзарали дарахтларни йўл четларига кўплаб ўтқазиш мавжуд муаммоларнинг олдини олишда ижобий натижалар беради. 1 гектар майдондаги дарахтзор 40 тонна чангни ютиб, ўзидан 30 тонна миқдорда кислород ишлаб чиқаришини ҳисобга олсак, бунинг аҳамияти нақадар катта эканлигини осонгина англаб етамиз.

Ҳозир кўчаларда турли ичимликлардан бўшаган пластмасса идишлар кўпайиб бормоқда. Экологларнинг айтишича, 1 килограмм миқдордаги пластик чиқиндилар ёнса (пластмасса идишлар назарда тутилмоқда), 50 микрограмм миқдорда диоксин моддаси ажралиб чиқаркан. Бу модда инсон саломатлиги учун ўта хавфли. Лаборатория таҳлили учун намуна сифатидаги 500 та сичқон синовдан ўтказилганда, улар бирваракайига диоксин таъсирида бедаво дардга чалинган. Кўринадики, пластмасса идишларни йиғиб, жойларда уларни қайта ишлашга ҳам эътибор қаратиш зарур. Акс ҳолда арзимас бўлиб кўринган бу муаммо оқибати анча хатарли бўлиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, республикамиз бўйича 1999 йилда 1826 та корхона рўйхатдан ўтган. Уларнинг 81 мингта манбаларида атмосфера ҳавосини ифлослантириш ҳоллари қайд қилинган. Оқибатда атмосферага 776,9 минг тонна ифлослантирувчи воситалар тарқалган. Бу каби ҳоллар афсуски, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида кўплаб учраётир. Жумладан, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида бу кўрсаткич — 12,6 минг, Олмаликда — 100, Бекободда 7,3, Чирчиқда 5,6 минг тоннани ташкил қилса, Тошкент шаҳрида 12,7 минг тоннага етган. Шунингдек, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

Шоира ИБРОҲИМОВА — «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бош директори:

— Атмосферада хлорфторуглерод (ХФУ), бромфторуглерод (БФУ ёки галонлар) ҳамда галогенуглеводород сингари кўплаб моддаларнинг тўпланиб қолаётганлиги оқибатида стратосферадаги озон қатлами емирилади. Ўтган асрнинг 30-йилларида «Озон емирадиган моддалар» деб ном олган бундай ашёларнинг 1990 йилгача совутгич, (холодильник) кондиционерларда, ёнғинни ўчиришда, кимё саноатида, турли аэрозоллар ишлаб чиқаришда, тиббий ускуналарни стерилизациялашда, қишлоқ хўжалиги экинларини дефолиациялашда, дезинфекциялашда, нефтни қайта ишлаш корхоналарида катализаторлар сифатида кенг миқёсда қўлланилганлиги озон қатлами емирилишининг асосий сабабларидан эканлиги аниқланган. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 мартдаги «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида» ҳамда «Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларни бажариш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 24 январда қабул қилган қарорларига асосан озон қатламини емирувчи моддаларни республика ҳудудида ишлатишни тўхтатиш ҳаракат режаси ва стратегияси ишлаб чиқилиб, миллий дастур қабул қилинди.

Ариқ ва каналларимизнинг экологик аҳволини соғломлаштириш йўлида ҳам анчайин муаммолар мавжуд. Ҳозир шаҳримизда автомобиль ювиш шаҳобчаларининг «қўзиқориндай» кўпайиб бораётганлиги ҳам ташвишли ҳол. Боиси, уларнинг кўпчилиги табиатни муҳофаза қилиш идораларидан рухсат олмай, сув ҳавзаларининг ҳимоя зоналарида ўзбошимчалик билан жойлашиб олмоқдалар...

Ниятимиз эзгуликдан иборат. Мустақил юртимиз иқтисодий ривожланган жаннатмакон ўлка бўлиб қолиши учун соғлом ва экологик жиҳатдан тоза атроф-муҳитни яратиш, одамлар саломатлигини асраш муҳимдир. Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, пойтахтимиз ва йирик шаҳарларда автоуловлар кўпайиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Аммо, ҳар бир автотранспортнинг техник созлиги таъминланмаса ёки шу турдаги автотранспортларга назорат кучайтирилмаса, ҳаво мусаффолигига эришиш қийин.

Инсоннинг бутун ҳаёти — туғилиши, еб-ичиши, ўсиб-унаши, меҳнат қилиши — барча-барчаси табиат билан пайванд... Биз табиатга озор етказсак, ўзимизга, фарзандларимизга озор етказган бўламиз. Табиатга хиёнат қилсак, инсониятга хиёнат қилган бўламиз. Демак, табиатни асрашни ўзимизни асраш, инсониятни асраш деб тушунишимиз керак.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

1

2

3

ҲИСОБОТ ИНДИНГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

Ироқ мамлакатдаги қурол-аслаҳалар бўйича ҳисоботни халқаро инспекторларга 7 декабрь куни тақдим этиши ҳақида баёнот берди. Бироқ бу тақиқланган қуролярроғлар ишлаб чиқарилаётгани тўғрисидаги гап-сўзларни Ироқ тан олди дегани эмас, — деди БМТ инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган Ироқ ҳукумати вакили.

Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1441-резолюциясида белгиланган муддатга биноан, Ироқ 8 декабрь куни ядровий, биологик ва кимёвий қурол-аслаҳалар борасидаги барча маълумотларни БМТга тақдим этиши шарт. АҚШ Президенти Жорж Буш ҳам айнан шуни талаб қилмоқда.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, Ироқ алюмин қувурлар импорти билан шуғулланишга бир неча марта уринган. Бироқ уддасидан чиқаолмаган. Буни Ироқнинг ўзи ҳам тан олганлиги ҳақида БМТ инспекцияси вакили хабар қилди. Унинг айтишича, Ироқ бу қувурларни АҚШ ва Британия айтганидек, ядровий қуролланишда фойдаланиш учун эмас, балки кўп стволли ракета қурилмалари ишлаб чиқаришда фойдаланиш ниятида олмоқчи бўлган, дейилади Reuters ахборот агентлиги берган маълумотда.

XORIJDA

ЕВРОГА ЎТИШ БЎЙИЧА

Швециянинг йирик сиёсий партиялари етакчилари евро муомаласи амал қилаётган давлатлар таркибига кириш юзасидан бир қарорга келишиб олдилар, яъни Швецияда ягона пул бирлиги — еврога ўтиш юзасидан келгуси йил 14 сентябрда референдум ўтказилади.

Reuters хабарномасида келтирилган маълумотларда ёзилишича, кейинги пайтларда еврога нисбатан шведлар кронасининг курси бироз кўтарилган — йил бошида бир евро 9,6 кронага тенг бўлган бўлса, бугунги кунда 9,04 га тенглашган.

Мамлакатдаги ҳукмрон социал-демократик партия ва учта мухолифат партия еврога ўтиш тарафдори. «Яшиллар» ва яна бир мухолифатдаги партия эса бунга қарши.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Швеция Европа Иттифоқига аъзо давлат ҳисобланади. Бироқ Буюк Британия ва Дания сингари у ҳам 1999 йили ягона пул бирлиги — еврога ўтишдан воз кечган эди.

ПРЕЗИДЕНТГА ИШОНЧ РЕФЕРЕНДУМИ

Венесуэла миллий сайлов кенгаши мамлакат президенти Уго Чавесга халқ ишончини аниқлаш мақсадида референдум ўтказиш тўғрисидаги мухолифатчилар талабига розилик билдирди. Шундай қилиб, референдум келгуси йил 2 февралга белгиланди. Бунинг учун мухолифатчилар референдум ўтказилишини қўллабқувватловчи 2 миллион кишининг имзосини йиғишган.

Бироқ Reuters ахборот агентлиги маълумотномасида қайд этилишича, Олий судда, мамлакат Миллий мажлиси ва ҳукуматда бу тадбирга қарши кучлар бор. Негаки, улар референдум ўтказилиши ноқонуний эканлигини эътироф этишмоқда.



ГЕРМАНИЯ. ДЮССЕЛДОРФ ШАҲРИ КЎЧАЛАРИДА

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

ЕР АЛМАШИШНИ ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

Россия ер майдонларини алмашиш масаласи бўйича Қозоғистонга мурожаат этди, дейилади «Интерфакс» берган хабарда.

Гап шундаки, яқинда чегара масалалари бўйича Россия ҳукумати делегацияси қозоғистонлик ўз ҳамкасбларига ўзаро ер алмашиш таклифини ўртага ташлаган. Бунинг сабаблари ҳозирча баён этилмаган.

«Россия Огнеупорний посёлкасини (Қозоғистоннинг Кустанай вилояти билан Россиянинг Челябинск вилояти чегараларида жойлашган) беришимизни сўрамоқда. Эвазига посёлка ҳудудига тенг майдонни (экин экиладиган) тортиқ қилишга ваъда беришмоқда» деди чегаралар бўйича Қозоғистон ҳукумати делегацияси раҳбари Мурат Атанов.

Бу таклифни ишлаб чиқиш учун маълум бир муддат талаб этилади.

5 МИНГ МАҲБУС АВФ ЭТИЛАДИ

Жазоир Президенти Абдулазиз Бутефлик Рамазон ҳайити нишонланиши муносабати билан мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган маҳбуслардан 5 минг нафарини авф этиш борасида кўрсатма берди. Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди. Унда ёзилишича, фақат бу амнистия террор, порахўрлик ва гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланганларни озод этмайди.

«ТЎРТЛИК» ВАШИНГТОНДА УЧРАШАДИ

АҚШ давлат департаменти матбуот котиби Ричард Баучернинг Вашингтондан хабар беришича, Яқин Шарқдаги вазият бўйича музокаралар олиб бориш юзасидан халқаро «тўртлик» вакилларининг навбатдаги учрашуви 20 декабрь куни Вашингтонда бўлади.

Учрашувда АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов, БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳамда Европа Иттифоқи раҳбарияти иштирок этади.

27 ТА МАКТАБ ЭЛЕКТРСИЗ ҚОЛАДИ

«Интерфакс» тарқатган хабарларга кўра, Амур вилоятининг Свободнен туманидаги 27 та мактаб яқин кунларда электр энергиясидан маҳрум этилади. Негаки, туман электрчилари «Амурэнерготаъминоти» акциядорлик жамиятидан 1 миллион 131 минг рубль қарздор.

«Бундан ташқари вилоят марказига ҳам электр энергияси узатишда 4-6 соатлик қисқартиришлар амалга оширилади. Чунки электр энергияси «савдоси» билан шуғулланувчи ташкилотларнинг биздан қарзи 174 миллион рублни ташкил этади» дейишмоқда акциядорлик жамияти раҳбарлари.

ШТАТДА КУЧЛИ ҚОР БЎРОНИ

Associated Press берган маълумотларга кўра, Нью-Йорк штатида кучли қор бўрони қайд этилган. Натижада ўнлаб мактаблар ёпилди, йўлларда автомобиль тиқини пайдо бўлганлиги сабабли юриш оғирлашди. Штатнинг ғарбида 75 сантиметр қалинликда қор ёққан. Шунингдек, Мичиган ва Висконсин штатларида ҳам кучли қор ёғди.

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яқин йиллар ичида Чехияда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинади. Чунки мамлакат ҳукумати профессионал армия тузиш режасини ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Бу ҳақда республика мудофаа вазири Ярослав Твердик маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, 2006 йилга бориб Чехия армияси профессионал асос бўйича бутунлай қайта ташкил этилади.

ИТАР-ТАСС тарқатган маълумотларга қараганда, муддатли хизматга чақирув 2005 йилда охирги марта чақирилади. «Шу билан бирга муқобил хизмат ҳам бекор қилинади» деди мудофаа вазири.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2003 йил 9,16,23,30 январь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, «МСО» қўрғони, Бинокор кўчасида жойлашган 25-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (25-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 17114 АҚШ доллари.
2. Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Жданов номидаги хўжаликда жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 56014 АҚШ доллари.
3. Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Каптархона қўрғони, «Термиз-Ангор» трассасида жойлашган 16-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (16-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 30595 АҚШ доллари.
4. Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани, Янгиобод шаҳри, «Янгиобод-Шеробод» марказий трассасида жойлашган 27-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (27-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 25969 АҚШ доллари.
5. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Г. Хидиров хўжалиги, Дехкаландар қишлоғи, М-39 марказий трассасида жойлашган 26-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (26-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 26206 АҚШ доллари.
6. Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Оққўрғон хўжалиги, М-39 «Термиз-Душанба» трассасида жойлашган 19-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (19-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 25974 АҚШ доллари.
7. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, С. Отабоев номидаги хўжаликда жойлашган 22-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (22-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 27673 АҚШ доллари.
8. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Сайроб шаҳри, «Чилонзор» кўчаси 5/5 уйда жойлашган 17-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (17-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 17978 АҚШ доллари.
9. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Зарафшон хўжалиги «Тошкент-Самарқанд-Бухоро» трассасида жойлашган 5 «А»-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (5 «А»-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 35952 АҚШ доллари.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17 www.uzrkmb.com

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ — КОНСТИТУЦИЯНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙДИ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ушбу Бош Қонунимизда инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдек олий мақсад мустаҳкамлаб қўйилган. Ва шу мақсад йўлида амалий қадамлар дадил ташланмоқда.

Конституцияга мувофиқ бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулклар ташкил этади. Шу жумладан, кўчмас мулк ҳам республика иқтисодиётининг мустаҳкам асосларидан биридир.

Барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, улар баб-баравар муҳофаза этилиши Конституцияда кафолатланган. Мана 10 йилдирки, Ўзбекистон Конституцияси ҳаёт синовидан ўтмоқда.

Биз Конституциямизнинг 10 йиллик байрамини ёруғ юз билан кутиб олаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Жорий йилнинг 11 ойи давомида ўтказилган савдоларда 1709 та объект 912945,91 минг сўмга сотилди. 10 та брокерлик идораларимиз самарали фаолият юритмоқда.

Буларнинг барчаси Асосий Қонунимизда белгиланган ҳуқуқларимизнинг ҳаётдаги ижобати туфайлидир.

Яна бир бор барча-барчангизни ушбу шодиёна билан табриклаб, Сизларга оилавий бахт ёр бўлишини, юртимизда доимо тинчлик ҳукм суришини тилаймиз.



Атроф-муҳит муҳофазасининг ҳуқуқий асослари

«Экосан» халқаро жамғармасида ташкил этилган навбатдаги учрашув табиат муҳофазасининг қонунчилик асосларига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан ташкил этилган бу йиғинда қатор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, жамоатчилик ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистон: атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари» мавзуидаги мазкур халқаро учрашувда республика Конституциявий суди раиси ўринбосари Б. Мирбобоев, «Экосан» халқаро жамғармасининг президенти Ю. Шодиметов ва бошқалар маъруза қилдилар. Йиғилганлар, шунингдек «Фуқароларнинг атроф-муҳит борасидаги конституциявий ҳуқуқларини қонуний таъминлаш», «Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қонунчиликнинг амалиёти устидан давлат назорати», «Конституция ва экологик қонунчилик» каби мавзуларда фикр юритган турли соҳа мутахассисларининг чиқишларидан баҳраманд бўлдилар.

Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ХИВА ПАРРАНДАЧИЛИК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Азиз ҳамюртларимизни бахтимиз Қомуси — Конституция қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан самимий қутлайди.

Оллоҳ назари тушган Ватанимиз бунёдкор инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан йилдан-йилга гуллаб-яшнамоқда.

Биз ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида интилиб, самарадорликни тинмай юксалтираяпмиз.



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ОСИЁ - ВЕСТ
OSIYO WEST

Ўзбекистон — Германия — Исроил «ОСИЁ — ВЕСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ



Сизларни умумхалқ байрами — Конституция куни муносабати билан самимий табриклайди!

Мустақил мамлакатимиз ва озод жамиятимиз Бош Қомусининг 10 йиллиги нишонланаётган тантанали кунда барчага тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайди.

Дастурхонингиздан файз-барака аримасин.

АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

Азиз юртдошлар!

Республика акциядорлик-тижорат «ҒАЛЛАБАНК» жамоаси

Сизларни умумхалқ байрами — Конституция куни билан самимий қутлайди!

Мустақил давлатимиз ва озод жамиятимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш Бош Қомусимизнинг 10 йиллиги нишонланаётган тантанали кунда барчага тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омад тилаймиз.

Юртимизнинг мустақиллиги ва фаровонлиги абадий бўлсин!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ — STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK — BANK XALQ BANKI

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини мустақил республикамиз Бош Қомуси — Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади ва Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик ҳамда оилавий бахт тилайди. Оллоҳ назари тушган юртимиздан тўкин-сочинлик ва қут-барака асло аримасин!

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
ХАЛҚ БАНКИ

Жорий йилнинг 20 ноябридан эътиборан жойлаштириш муддати 60 кун бўлган, йиллик 30 фоиз миқдорида даромад тўланадиган «Ассалом, янги йил» — ютуқли байрам омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сиз юқори фоизли даромад олиш билан биргаликда **10 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача** бўлган пул ютуқлари совриндорларидан бири бўлиш

ИМКОНИЯТИГА ҲАМ ЭГАСИЗ!

Омонатга пул маблағлари 2002 йилнинг 31 декабрига қадар банкнинг барча бўлим ва шаҳобчалари орқали қабул қилинади.

ЮТУҚ ЭГАЛАРИ

2003 йил январь ойининг биринчи ярмида аниқланади.

ШОШИЛИНГ!!!

Янги йил туҳфасидан баҳраманд бўлинг!

Халқ банки — аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган ягона банкдир!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!







«НАВОИЙПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ХАТИРЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МАМЛАКАТ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ШОДИЁНАСИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙДИ.

Халқ манфаатлари йўлида ислоҳотларни давом эттириш учун шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий асослар Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган. У инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришини, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни кафолатлаб келмоқда. У Ватанимиз хавфсизлигини ва жамиятда барқарорликни таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Шундай экан уни билиш, чуқур идрок этиш, унга амал қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳар бир инсон ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришда Конституциямиз бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилишини билиши даркор. Шунда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз янада ривожланади ва сайқалланади. Буни жамоамиз аҳли яхши тушунади ва шунга монанд фаолият юритмоқда.

Бу йил 33528 тонна пахта хомашёси қабул қилиб олдик. Шундан 7 минг 74 тоннасини қайта ишлаб, 1900 тонна толани Бельгия, Италия, Буюк Британия ҳамда Жанубий Корея сингари давлатларга экспорт қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга мустақил Ватан равнақи йўлида олиб бораётган ишларида собитлик тилаймиз.



«УРГАНЧ ЭКСКАВАТОР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларини мамлакатимизнинг Бош Қомуси — Конституция қабул қилинган кунининг 10 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, ўтган қисқа муддат ичида республикамизда чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Эндиликда Ўзбекистон дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Жумладан, бизнинг корхонамизда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бир вақтлар заводимиз фақат экскаваторларни таъмирлаш билан шуғулланарди. Истиқлол шарофати ва Конституциямиз берган имкониятлар туфайли 1992 йилдан бошлаб импорт ўрнини босувчи сифатли экскаваторлар ишлаб чиқаряпмиз. Энг муҳими, бизнинг экскаваторларимиз улкан бунёдкорлик ишларида асқотиб турганидан фахрланамиз.

Халқимизни байрам билан табриклар эканмиз, Ватанимиз бундан-да гуллаб-яшнасин, деймиз.



Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги
Алишер Навоий номли давлат хўжалиги
жамоаси

*Ўзбекистон халқини тараққиётимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш **Конституциямизнинг** 10 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.*

Хўжалигимиз бу йил давлатга дон топшириш бўйича шартнома шартларини ортиғи билан бажарди. Сабзавот ва картошка етиштириш борасидаги режалар ҳам уддаланди. Зотдор отларни кўпайтириш бўйича анча ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси халқ фаровонлиги йўлида республикамизда олиб борилаётган ишларга камтарин ҳиссамиз бўлиб қўшилаётганидан мамнунмиз.

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ВА БАРЧА МЎМИН МУСУЛМОНЛАРНИ ИЙД АЛ-ФИТР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.



Мустақил Ўзбекистон давлатининг иқтисодий жиҳатдан янада бақувват бўлишини тилайди.

Мана шундай саодатли, фараҳли ойда қилган барча ибодатларингизни, муқаддас Рамазон ойида тутган рўзаларингизни Оллоҳ Таоло ўз даргоҳида қабул қилган бўлсин.

Муборак Ҳайит кунларида юртингизга маъмурчилик ва равнақ тилаймиз.

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

ШЕЪР ВА ШУУР

СЕВИНЧ



Сирожиддин САЙЙИД

Сўқмоқлари қуёш томон,
Ой томон чопган, юртим,
Тупроғидан авлиёлар
Ой-қуёш топган, юртим.

Ўхшаб турган ботирларга,
Бу тоғлар ҳам адирларга,
Зарбоф-зарбоф кечалардан
Чопонлар ёпган, юртим.

Қувнаб айтган байтларимдан
Қумрилари лабларимдан,
Кийиклари қошлариму
Кўзларимдан ўпган, юртим.

* * *

Самарқанддай кўнглинг бўлса,
Хивадай қалбинг,
Кўксинг Оқсаройга салкам тенг бўлса.
Руҳингда Андижон боғлари балқиб,
Сурхон ерларидай бағринг кенг бўлса.
Тонгларинг — қадим Шош тонгидай қутлуғ,
Юрмасанг оламдан каму айродай.
Ўтсайдинг Сирдарё сингари улуғ,
Яшай билсанг эди Амударёдай.

ЖАННАТ ЎРТАСИДАГИ ЭШИК

Она — жаннат ўртасидаги эшиклардан биридир, агар хоҳласанг, ўша эшикни қўлдан бер ёки уни сақла.
Ҳадис

Сен — меҳмон, у — меҳмон, ҳаммамиз меҳмон,
Дунё ҳам бир меҳмонхонадир, билгил.
Жаннат ўртасида кўп эшиклар бор,
Уларнинг биттаси — онадир, билгил.
Ҳаёт — инсонларнинг келиб кетгувчи,
Беш кун тебрангувчи гул бешигидир.
Энг аввал онангнинг қадрига етгил,
Оналар беҳиштнинг нур эшигидир.
Хоки пойларига сочгил умрингни,
Ўтмагил дунёдан юрагинг доғлик.
Бу эшик сен учун очиқ бўлгайдир
Ва ё ёпиқ бўлгай — ўзингга боғлиқ.

ТЎРТЛИКЛАР

Тирикмиз, биродар бўлма бесабр,
Марҳумларга қийин, уларга жабр.
Бориб қабристонга назар сол бир зум,
Гўё сабр тилар қабрга қабр.

* * *

Кузга шом чўкмоқда сўнган илҳомдай,
Сарғайган япроқлар — ҳазин каломдай.
Анҳор ёқасида бир улуғ чинор
Мунғаймиш кексайган Ғафур Ғуломдай.

АКС САДО

ОИЛАДА ОТА БОШБОҒДИР

ЁКИ «ОТА БАРИБИР ОТА-КУ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Газетамизнинг шу йил 19 ноябрь сонида босилган «Ота барибир ота-ку» сарлавҳали мақола бўйича жойлардан кўплаб хатлар келмоқда. Қуйида улардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Ота барибир ота-ку» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Аввало, шуни айтишим керакки, бунга ўхшаш воқеалар (иллатлар деймизми) оз бўлса-да учраб туради.

Шу муносабат билан ўзимнинг баъзи мулоҳазаларимни баён этмоқчиман. Тўғри, оилани бошқариш, фарзандлар тарбияси отанинг бурчи, болаларнинг ҳақи каби шарқона хислатларни ўрнига қўйиш осон кечмайди. Газетада босилган бундай мақолалар фойдадан ҳоли бўлмай, ота-онаю фарзандларнинг бу борада маълум хулосага келишига, тўғриғоғи сабоқ олишига сабаб бўлади. Ахир бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деб бежиз айтишмаган. Ҳайрон қоламан, фарзандларнинг ўз отасига бундай «кароматлар» кўрсатиши қайси миллат ёки мусулмон русумида бор. Наҳотки, имонли инсон фарзанди ўз падари бузрукворига шундай муносабатда бўлса. Отага тик қараш, терслик қилиш қадриятларимизга ётку. Бундай қилиқлар қайдан, кимларнинг таъсирида пайдо бўлаяпти? Фарзандлари ўз отасининг бошига шунча маломат тошларини отса ҳам, падари ўз жигаргўшаларига ёмонликни раво кўрмабди-ку! Ота — ота-да. Хўш, фарзандлар бурчи, уларнинг ота олдидаги ҳақлари қаёқда қолди?

Юртимизда барқарорлик ҳукмрон. Биз уни қадрига етишимиз керак. Уни суиистеъмол қилишга ҳаққимиз йўқ. Аксинча, бундай замонда ақлни йиғиш, огоҳ бўлиш, шу юрт фарзанди экани билан фахрланиш, айни пайтда кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат каби ўзбекона фазилатларни унутмаслик лозим, деган фикрдаман. Ҳозир ёшларимизни униб-ўсиб, комил инсон бўлишлари йўлида барча шароитлар яратилмоқда. Уларни турли мамлакатлардаги илм масканларида ўқиб, келажакда Ватанимиз, халқимиз учун камарбаста бўладиган илмли, билимли мутахассислар бўлиб етишлари йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Шундай эзгуликларга қўл урилган бир замонда ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам ўз бурчларини қойилмақом қилиб адо этишяпти дейиш қийин.

Агар ёшларимиз ким эдигу ким бўлдик, деган ҳикматни унутишмаса, нур устига аъло нур бўлурди. Боиси, ўтмишсиз келажак йўқ. Демак, манмансирамасдан, эски чориғимизни эсдан чиқармасдан юришимиз, камтарона, қалби гўзал инсонлар бўлиб камол топишимизда асқотади, деб ўйлайман. Мақолада кўтарилган нохуш воқеанинг бош сабаби болалар тарбиясида бўлиши табиий. Бундай нотабиий воқеа ўз-ўзидан юзага келмайди. Фарзанд тарбиясида отанинг роли беқиёс. Чунки отаси бор оила билан отасиз оилада ўсган болалар тарбиясида анчайин фарқ бўлишини кўп учратганмиз. Албатта, она кўнгилчан, раҳмдил бўлади. Ўғил болалар тарбияси билан кўпроқ отанинг шуғулланиши муҳимдир. Фарзандларнинг бундай куйга тушишларида онанинг ҳам «ҳиссаси» бордек. Сабаб, оилада нима етишмовчилик бўлса, ота балогардон. Бундай кезларда она болаларига отасининг ёмонотлиқ қилмай, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, қолгани ёруғ маъносида тарбияласа, болалар қалбида падарига нисбатан меҳр уйғунлашади. Аксҳолда ота билан ўғил болалар ўртасидаги меҳр оҳиста сўниб, нафратга айланиши мумкин.

Бола азиз, одоби ундан азиз. Ўнта бўлса ўрни бошқа дейишади. Қизиғи шундаки, ўнта фарзанд ота-онанинг бағрига сиғаверади. Аксинча, ота ёки она шунча болаларнинг биронтасининг уйига сиғмай қолиши мумкин. Албатта, кексаликда одам ёш бола сифат бўлиб қолиши табиий. Арзимаган нарсага ранжиб, сал нарсага кўнгилнинг тоғдек кўтарилиши ҳам шундан. Аммо, оилада меҳр-оқибат йўлга қўйилган бўлса, бундай инжиқликлар кўтарилиб кетаверади.

Яна ёшларимиз тарбияси ҳақида сўзлагим келади. Ўйлайманки, фарзандларимизни савияларини оширишга, маънавий бой бўлишларига ҳаракат қилишимиз керак. Шундай қилайликки, ёшлар ҳамма нарсадан кўра бойлик, мол-мулк, пулни афзал билишмасин. Булардан ҳам қадрлироқ нарсалар борлигини англашсин. Бу борада катта ёшдагилар ибрат бўлмоқлари даркор. Чунки болалар катталарни кўпроқ кузатишади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзларидан сабоқ олишади. Нима бўлганда ҳам ота қаттиққўл бўлган оилада фарзандлар тарбияси жойида бўлишини хаёт кўрсатмоқда. Отадан ҳайиқиш йўқолган шароитда кўп нарса бой берилиши турган гап. Болалар ота-онанинг иззатини ўрнига қўйиб, ҳамиша эзгуликка интилиб яшашлари учун нима қилмоқ керак? Гапираман десак, гап кўп, насиҳат ҳам етарли. Аммо, менимча, ҳар бир ота-она бу ҳақда ўзи ўйлаши, ўзи хулоса чиқариши лозим.

■ **Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,**
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси

ШОҲМОТ

ФАРҒОНАДАН ОСИЁ ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА

24 ноябрь — 3 декабрь кунлари Фарғона шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида шоҳмот бўйича «Труд» газетаси соврини учун халқаро анъанавий турнир бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган ёш шоҳмотчилар билан бирга қирғизистонлик спортчилар ҳам қатнашдилар.

Нуфузи жиҳатидан мамлакат чемпионатига тенглаштириладиган турнирда 136 нафар ёш шоҳмотчи ўзаро дона сурди. Баҳслар швейцарча тизимда ўтказилиб, ғолиблар тўққиз турдан сўнг аниқланди. Турнир ғолиб ва совриндорлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Эътиборлиси, кучлилар 10, 12, 14, 16 ёшгача бўлган шоҳмотчилар ўртасида келгуси йили ўтадиган Осиё ҳамда жаҳон чемпионатларига йўлланмаларни қўлга киритишди.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

■ **Роман ИСХАКОВ олган суратлар**

ФУТБОЛ

«НЕФТЧИ» — «ПАХТАКОР» — 4:0

Ушбу учрашув билан мамлакат XI миллий чемпионати баҳслари поёнига етди

Кеча Фарғонада 27-турнинг кечиктирилган «Нефтчи» — «Пахтакор» жамоалари учрашуви бўлиб ўтди. Бу ўйин натижаси гарчи икки жамоанинг жадвалдаги мавқеига таъсир қилмасада, чемпионат ғолиби ва совриндорлари баҳси сифатида мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳужумкор руҳда ўтган учрашув мезбонлар ғалабаси билан тугади — 4:0.

Мавсум чемпиони ва кумуш медали соҳиблари муддатидан илгари аниқланганди. Сўнгги 30-турдаги «Нефтчи» — «Насаф», «Қўқон-1912» — «Қизилқум» жамоалари учрашувлари эса бронза совриндорларини аниқлаб берди. Шу тургача қаршиликларга нисбатан бир очко кўп жамғарган «Қизилқум» футболчиларини Қўқондаги учрашувда фақатгина ғалаба қаноатлантирарди. Аммо зарафшонликлар «Қўқон-1912»га имкониятни бой беришди — 1:2. Фарғонада «Нефтчи» «Қизилқум»нинг асосий таъқибчиси «Насаф»ни йирик ҳисобда енгиб, зарафшонликлар жонига оро кирди — 4:1.

Шунингдек, охирги тур олий лигани тарк этувчи жамоалар номини аниқлаб берди. Бекободда «Металлург»га (0:1) ютқазган «Зарафшон» ҳамда «Андижон» билан (3:3) дуранг ўйнаган Жиззахнинг «Сўғдиёна» футболчилари қуйи лигага тушиб кетди. Энди улар ўрнига янги мавсумда биринчи лиганинг бу йилги пешқадамлари «Гулистон» (Гулистон) ва «Цементчи» (Қувасой) жамоалари олий лигада тўп суради.

30-турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: «Пахтакор» — «Трактор» — 1:4, «Машъал» — «Самарқанд-Д» — 3:0, «Навбаҳор» — «Бухоро» — 3:0, «Сурхон» — «Дўстлик» — 4:2.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Пахтакор	**30**	**24**	**2**	**4**	**85-22**	**74**
2. Нефтчи	**30**	**22**	**3**	**5**	**82-32**	**69**
3. Қизилқум	**30**	**18**	**5**	**7**	**67-34**	**59**
4. Насаф	30	18	4	8	60-38	58
5. Металлург	30	14	6	10	40-35	48
6. Навбаҳор	30	14	4	12	53-39	46
7. Бухоро	30	12	5	13	37-53	41
8. Машъал	30	10	6	14	37-52	36
9. Дўстлик	30	11	2	17	37-49	35
10. Андижон	30	9	6	15	43-61	33
11. Сурхон	30	10	3	17	38-54	33
12. Трактор	30	9	6	15	39-59	33
13. Самарқанд-Д	30	9	5	16	24-46	32
14. Қўқон-1912	30	10	2	18	31-60	32
15. Сўғдиёна	**30**	**8**	**5**	**17**	**33-55**	**29**
16. Зарафшон	**30**	**8**	**4**	**18**	**37-54**	**28**

МАҲОРАТ МАШҚЛАРДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ҳозир дунё ҳамжамиятини глобал исиш муаммоси ташвишга солмоқда. Бу жараён авж олиб борган сари турли мамлакатларда сув тошқинлари, қор кўчкилари кўпаймоқда. Бу эса одамлар ҳаётига хавф солади, мамлакат иқтисодига катта зарар етказади. Жорий йил давомида кўплаб давлатларда, жумладан Россиянинг Красноярск шаҳри ва Германиянинг Дунай дарёсидаги сув тошқинлари, Кавказда содир бўлган муз кўчкилари, Хитой, Корея давлатларида бўлиб ўтган бўрон ва тўфонлар глобал исиш масаласи бўйича жиддий ишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда. Фарғона водийсининг Шоҳимардон кўлида содир бўлган сув тошқини дунё мамлакатларини ўйлантираётган глобал исиш муаммоси бизга ҳам жиддий хавф солаётганлигини кўрсатди. Бундан келиб чиққан ҳолда, белгиланган режаларга асосан, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш давлат тизими ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Мазкур масалалар ижросини бошқариш эса Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига юклатилган. Шунга мувофиқ вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида қўмондонлик-штаб ўқув машғулотлари ўтказилди. Нукусда бўлиб ўтган машғулотлар Қорақалпоғистон ҳудудининг сув босганда ҳаракатланиш чоратадбирларини амалга оширишга бағишланди. Қўмондонлик-штаб ўқув машғулотлари чоғида барча мутасадди ходимлар тоғлардан оқиб тушувчи кўлларнинг ўзанларни бузиб ўтиши оқибатида содир бўладиган сув тошқинлари пайтида ҳаракатланиш режасини ишлаб чиқдилар.

■ **ФВВ Матбуот маркази**

ОСИЁ - ВЕСТ

OSIYO WEST

Ўзбекистон — Германия — Исроил

«ОСИЁ — ВЕСТ»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ



Ўзбекистон халқини ва барча мўмин мусулмонларни муборак Ийд ал-Фитр— Рамазон ҳайити муносабати билан самимий қутлайди!

Мана шундай саодатли ойда тутган рўза ва ибодатларингизни Тангри таоло ўз даргоҳида қабул қилган бўлсин.

Ўзбекистонда ҳамиша тинчлик-барқарорлик ҳукм сурсин.

Инсонлар ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат йўқолмасин.

Ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси Фарғона вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи Ҳ. Ҳайдаровга падари бузруквори **РАҲМОНАЛИ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси студия бош директори Мирзааҳмад Алимовга отаси **Мирзамурод АЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг «Енгматтижмарказ» акциядорлик жамияти жамоаси бўлим бошлиғи муовини Фаррух Зиямуҳамедовга отаси **Асатулла ота ЗИЯМУҲАМЕДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

(Газетанинг навбатдаги сони 6 декабрь, жума куни чиқади).

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1068

10476 nusxada bosildi

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23-40
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA